Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
1 НОЯБРЬ 1969 й.
ШАНБА
№ 257 (1020).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТЛАР

Тошкент Давлат консерваторияси ўқув залларида снёсий ўқиш бошланди. Кириш ахборотларини профессор, санъатшунослик фанлари доктори С. М. Векслер, тарих фанлари кандидати доцент Г. Ф. Голованов ва марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири А. П. Немировскийлар бердилар.

Шунингдек, снёсий ўқишнинг йиллик ўқув программаси кўриб чиқилди.

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛАРИ

9-қурилиш трести 50-қурилиш бошқармасида ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиги А. Ортиқов, катта прораб Л. Пантелеев, прораб И. Исмайловларнинг номини коллектив ҳурмат билан тилга олади.

Бу тиниб-тинчимас ишланувчи рационализаторларнинг киритаётган оқилона таклифлари эвазига бошқармада йил сайин неча минг сўмлаб давлат маблағи тежаб қолиняпти.



«Подъемник» заводи ишчилари В. Лукинич, Ш. Усмонов, К. Ли Ваню кундалик топшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этмоқдалар.



1970 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ— КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

БИЗ ҲАМ ҚЎШИЛАМИЗ

«Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективининг 1970 йил 11 апрелда тежаб қолинган хом ашё материаллар ва электр энергия ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу кунги меҳнат ҳақини беш йиллик фондига ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективининг Тошкент ва республика меҳнаткашларига қарата мурожаатини коллективимиз хурсандчилик билан кутиб олди ва маъқуллади.

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун курашаётган коллективимиз шу йилнинг 9 ойлик планини муддатидан олдин 116 процент бажарди. Планга қўшимча 254 минг сўмлик ёки 15 минг жуфт пойафзал тайёрланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 107,4 процент бажарилди.

Октябрь район Советининг депутати Р. Жўраева, П. Козлова, Р. Азимбоев, Х. Тўлаганов, Жўраев сингари корхона шуҳрати учун курашаётган 120 киши беш йиллик шахсий планларини бажариб, шу кунларда 1971 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

650 дан зиёд пойафзалчи эса беш йиллик шахсий планини 1970 йил 22 апрелгача бажариш учун курашмоқда.

Моделлаштириш ва конструкциялаш ҳисобига 9 ойда пойафзалларнинг 58 хил янги модели ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Хом ашё ва материаллардан оқилона фойдалайиш туфайли 420 минг квадрат дециметр устки чарм, 340 минг квадрат дециметр астарлик, 197 минг квадрат дециметр таг чарм тежаб қолинди.

Ана шу тежалган материаллар фабрикамиз коллективи учун — 1970 йил 11,21 ва 22 апрель кунлари маҳсулот ишлаб чиқаришга етади.

Фабрикамиз коллективи 1969 йил учун илгари қабул қилган социалистик мажбуриятни қайта кўриб чиқиб қуйидаги қарорга келди:

— йиллик планни 26 декабрда бажариш;

— йил охиригача планга қўшимча 270 минг сўмлик пойафзал тайёрлаш;

— меҳнат унумдорлигини планда кўзда тутилганидан 8 процент ошириш;

— асосий материаллардан 1 миллион 200 минг квадрат дециметр тежаш;

—тежалган хом ашё ва материаллардан 30 минг жуфт пойафзал тикиб чиқариш.

1970 йил 11 апрель куни бутун коллективимиз Коммунистик шанбаликка чиқади. Шу куни тежалган материаллардан пойафзаллар тайёрланади ва меҳнат ҳақи беш йиллик фондига топширилади.

О. НУРМУҲАМЕДОВ — 2-пойафзал фабрикасининг директори, О. СУЗДАЛЬЦЕВА — партия ташкилотининг секретари, А. МУРОНОВ — касаба союз комитетининг раиси, Ш. ЮСУПОВ — комсомол ташкилотининг секретари.

Коммунистлар! Меҳнатда ва жамоат ҳаётида илғорлик ролини шараф билан бажарингиз, КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш учун, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун курашда омманинг актив ташкилотчилари бўлингиз.

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ЮБИЛЕЙ МАВСУМИ

Кеча

Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик катта опера ва балет театрида «Лайли ва Мажнун» операси намойиш қилинди. Шу билан театр ижодий коллективининг навбатдаги 30-юбилей мавсуми бошланди.

Санъаткорлар мавсумда «Корсар», «Доктор Айболит», «Трубадур», «Ҳамза», «Оққуш кўли», «Спартак», «Этни кийган мушук» каби саҳна асарларини кўрсатадилар.

Кекса ва навқирон санъат даргоҳи Мухтор Ашрафий ва Василенколарнинг «Бўрон» операсининг премьераси билан бошланган эди. Асар ҳозирда ҳам репертуарда сақланиб турипти.

Театрнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган мавсумида бир қатор янги асарлар саҳналаштирилиб, томошабинларга тақдим этилади. Композитор Иброҳим Ҳамроевнинг «Ойжамол» операсини саҳналаштириш устида ишлар олиб борилмоқда. Опера одий колхозчи, халқнинг ҳурматига сазовор бўлган, Улуғ Ватан урушн йилларида бева қолган Ойжамолнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

Булардан ташқари композитор Борис Зейдман К. Симоновнинг «Рус кишилари» пьесаси асосида либретто яратди.

«Менинг Ватаним» бир пардали балет асари Ленин мавзусидадир. Уни композитор С. Юдаков басталаган. А. Берлиннинг «Фарҳоднинг жасорати», М. Ашрафийнинг «Темур Малик» асарлари ҳам шу юбилей йилида саҳналаштириладн.

Хайрли иш

«Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективининг чақиригини бир овоздан маъқуллаган чинни заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, хайрли ишдан ортда қолмаймиз— 1970 йил 11 апрель кунида анъана бўйича Коммунистик шанбаликка чиқамиз, деган қарорга келдилар.

Буюмлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш 9 ойлик планини муддатидан илгари бажарган чиннисозлар планга қўшимча давлатга 76 минг сўмлик буюм сотдилар. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6.2 процент, биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқариш 10 процент ортди.

Цехларда технология чиқиндиларини камайтириш ва буюмлар сифатини янада ошириш учун кураш қизиб бормоқда.

Ҳозир корхона ишчиларидан 150 киши 1970 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда. 75 илғор ишчи беш йиллик шахсий топшириғини бажарган.

Шу йилнинг ўтган 9 ойида ишлаб чиқаришга жорий этилган 17 рационализаторлик таклифидан 11,5 минг сўм иқтисодий фойда кўрилади.

1969 йил план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлашга аҳд қилган чиннисозлар тежалган хом ашё ва материаллардан 1970 йил 22 апрель куни маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилган эди.

Энди 1970 йил 11 апрелда ҳам тежалган хом ашёлардан чинни буюмлар ишлаб чиқаришга, меҳнат ҳақини беш йиллик фондига ўтказишга коллектив равишда аҳд қилинди.

А. ИБРОҲИМОВ — чинни заводи директори, М. МИРЗОИТДИНОВ— партия ташкилотининг секретари, К. ШИРЯЕВА — завод комитети раиси, А. АБДУЛЛАХЎЖАЕВ — комсомол комитетининг секретари, Х. ХОЛТОЖИЕВ, С. КАБАНЦЕВ, Ш. ЁҚУБОВ — ишлаб чиқариш илғорлари.



Бу сурат Журин номли Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институтининг синов участкасида олиб борадиган майдонида олинган.

СУРАТДА: катта лаборантлар: С. Аширбоев, Б. Полатов ва А. Жумамаҳмудов «Амударё» моделининг синов майдонида.

Л. Глауберзон фотолари.

ТИКУВЧИЛАР ВАХТАДА

«Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар. Азамат тикувчилар ўн ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 106 процент қилиб адо этдилар. Ўтган давр ичида планда кўрсатилган 520 минг 800 дона ўрнига 550 минг дона пальтолар ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Шу кунларда 119600 дона хотин-қизлар қишки пальтолари, 545 минг дона эркаклар пальтолари тайёрланди ва истеъмолчиларга етказилди.

Фирма цехлари ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилмоқда. Бу мусобақада фирманинг 4 ҳамда 6-цех коллективлари олдинда бормоқдалар. Ойлик планларни 110-120 процентдан қилиб бажариб келаётган бу цехларда ўнлаб коммунистик меҳнат бригадалари, зарбдорлари ишламоқдалар.

Насиба Тиллахўжаева, Зокир Шукуров каби коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари ойлик ва смена планларини 120-140 процентдан адо этмоқдалар. Уларнинг ҳар иккаласи, ҳам «Социалистик мусобақа ғолиби» значокларига эга бўлишган.

Бугун

жерси ва селлюкорд кабн матерналлардан қишки эркак ва хотин-қизлар пальтолари тикишга киришилди.

5 минг дона пальто тикиш назарда тутилган.

Фирма коллективи беш йиллик планини муддатидан олдин бажариш ҳамда доҳиймиз юбилей тўйини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ленинча меҳнат вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар.

А. АШУРОВ, штатсиз мухбир.

● *Ленинча меҳнат вахтасида*

Металл — давлатга

«Узтворцветмет»нинг металл тўплаш ва ортиш цехи худди металлургия заводини эслатади.

Корхоналарнинг металл чиқиндилари, мактаб ўқувчилари тўплаган металл парчалари, қурилишлардан келтирилган бўлак-бўлак карборундлар цех ҳовлисига уюлган.

Ана шундай юклар ортилган автомашиналар, ағдарма машиналар, прицепли тракторларнинг кети узилмайди.

Цехдаги улкан дошқозонларда темир-терсаклар куйдирилиб тозаланган, сортларга ажратилади. Прессланган металлар механизмлар ёрдамида вагонларга жойлаштирилмоқда.

Ўтган ойлар мобайнида цех коллективи мамлакатимиздаги рангли металлургия саноати корхоналарига 420 вагон ҳамда 1800 контейнерда 6300 тонна металл жўнатди. Уларнинг аҳди ойи охиригача яна минг тонна металл жўнатиб, йиллик топшириқни 120 процент бажаришдир.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада ишчилардан А. Зенсков, А. Манеркин, М. Манерколар, мастер Паук, юкчи-тракторчилардан Х. Хайруллаев, А. Сафаров, А. Юсуповлар пешқадамлик қилмоқдалар.

● *Тошкентликлар пахта далаларида*

ШОФЁРЛАР—«ЗАНГОРИ КЕМА» РУЛИДА

Тошкентдаги 3-автокомбинат коллективи Сирдарё область, Пахтаорол районидаги Жамбул номли хўжаликка оталиқ ёрдами кўрсатишни ўз зиммасига олган. Улар бу ерга пахта йиғимтерими қизимасдан анча олдин етиб келишган.

Ремонтчилар, турли касб эгалари бўлган малакали ишчилардан ташкил топган комплекс бригада аъзолари қирқта пахта териш машинасини ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини пахта далаларида ишлашга шай қилиб бердилар. Айниқса, корхонанинг илғор ишчиларидан электрчи Рябченков, слесарь Айпатров, пайвандчи Дубровский лар жонбозлик кўрсатишди.

Энг яхши шоферлардан ўн кишн шу кунларда «зангори кема»ларни бошқармоқда, автокомбинатнинг эллик ёрдамчиси «оқ олтин» ҳосилини қўлда термоқда.

ТИКУВЧИЛАР МАДАДИ

3-тикув фабрикаси коллективи Сирдарё областининг «Красний луч» колхози далаларида фидокорона меҳнат қилаяпти. Ҳозиргача уларнинг ғайрати билан колхоз хирмонига 40 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкилди. Тикувчилар ҳашарчилар ўртасида социалистик мусобақада голиблик қилишиб, колхоз кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди.

Коммунистик меҳнат зарбдорлари М. Алматова, М. Ҳайруллаева, Н. Исмонлова, Т. Светличная, М. Юсуповалар биринчи бор пахта теришяпти. Улар ғайрат камарини маҳкам боғлаб, ҳар куни 100-120 килограммдан «оқ олтин»ни хирмонга тўкмоқдалар.

Ҳолмга қулайлик

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

2-«Отделстрой» қурилиш трести бунёдкорлари 2-касалхонанинг тўрт қаватли янги биносини қуриб бўлдилар. Луначарск марказига яқин жойда қад кўтарган бу бино аҳолига катта қулайлик туғдиради.

Бугун

трестнинг Р. Тоғаев, А. Газизов ва Н. Ладо бошчилик қилаётган қурувчилар бригадаси бунёдкорлари бинодаги сўнгги пардозлаш ишларини тугатдилар.

Ҳашаматли бино Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

ЧЕМПИОНЛИККА ЯНА БИР ҚАДАМ

● *Теннис бўйича мамлакат биринчилиги*

Бу йилги чемпионат кутилмаган натижаларга жуда бой бўлди. Мусобақаларда муваффақиятли қатнашаётган ленинградлик Пальман ярим финал матчида яна бир кутилмаган натижанинг автори бўлди.

Финалга чиқиш учун у Европа чемпиони, боқулик Лихачев билан куч синашди. Биринчи партия 6:2 ҳисоби билан Лихачев фойдасига тугади. Ана шундан сўнг Пальманнинг ҳаракатлари бутунлай ўзгарди. Унинг чиройли, ранг-баранг ўйини бир неча марта томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Қатор комбинациялар, кучли зарбалар ва тўп узатишнинг ўзгариб туриши унга иккинчи партияда муваффақият келтирди — 6:3. Бундан руҳланган ленинградлик теннисчи янада кўтаринкилик билан ўйнай бошлади. Кетма-кет ҳужумлардан эсанкираб қолган Лихачев эса оддий вазиятларда ҳам хатоликларга йўл қўя бошлади. Қаторасига яна икки сетни ютган Пальман (6:0, 6:4) биринчи бўлиб финалга чиқди.

Мутахассислар ҳам, томошабинлар ва теннисчиларнинг ўзлари ҳам учрашувнинг бундай натижа билан тугашини ҳеч кутишмаган эди.

Грузиялик ракетка устаси Метревели мухлислари эса унга ишониб хато қилишмади. Москвалик Егоровни 6:3, 1:6, 6:4, 6:3 ҳисоби билан мағлубиятга учратган Метревели иккинчи финалчи бўлди.

Энди чемпионлик унвони Пальман — Метревели учрашувида ҳал этилади.

Яна бир сенсация москвалик Исланова ва эстониялик Кивн учрашувида содир бўлди. Биринчи партияни 4:6 ҳисоби билан бой берган Исланова қолган икки партияда галаба қозониб финалга чиқди. Финалда у Бакшеевани 6:2, 6:1 ҳисоби билан мағлубиятга учратган Морозова билан учрашади.

Шундай қилиб Тошкентда ўтказилган мамлакат биринчилиги кучли теннисчилар ўрнига жиддий тузатиш киритди.

Эркак жуфтлар турнирининг яна бир учрашуви ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Лихачев, Волков — Пальман, Какулия учрашуви уч соат давом этди. Галаба тарози ҳар икки томонга жуда кўп оғиб турди. Икки дуэт ҳам ғалабага лойиқ эди. Фақат бешинчи партияда бахт Лихачев ва Волковга кулиб боқди. Улар финалда Егоров ва Лампи билан куч синашадилар.

ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ

Кеча

Темир йўлчилар маданият саройида «Болалар кинофильми ойлиги» муваффақиятли тугади.

Бир ой давом этган болалар кинофестивали катта қизиқиш билан ўтди. Фестивалда хроникаль - ҳужжатли ҳамда бадиий фильмлар намойиш қилинди.

Шунингдек, «Муму», «Шоир ва шоҳ», «Иван Грозний» ҳамда «Оталар ва болалар» каби 20 дан ортиқ бадиий фильмлар ҳам болаларга манзур бўлди. Фильмлар бошланишн олдидан Совет киносининг ярим асрлик фаолияти ҳақида «Ўзбекфильм» студияси ижодий ходимлари суҳбатлар ўтказдилар.

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

УЛАН-БАТОР, 31 октябрь, (ЎзТАГ махсус мухбири Э. Рашидов) «Энх тайван, найрамдал— тинчлик, дўстлик». Бу сўзлар Монголия Давлат университетининг мажлислар залида барала янгради. Монголия Халқ Республикасида ўтказилаётган Ўзбекистон кунларининг қатнашчиларини бу залда университет ректори профессор Д. Цэвэгмид табриклаб кутиб олди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. Й Зоҳидов жавоб нутқи сўзлаб, республика олимлари ва студентлари номидан мажлис аҳлини қизғин табриклади, монгол ёшларига ўқиш ва меҳнатларида янги муваффақиятлар тилади.

Совет Ўзбекистонига бағишланиб марказий виставка залида очилган фотокўргазма монгол жамоатчилигини ғоят қизиқтирмоқда. Монголия Халқ-Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Майдар, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ц. Пунцагноров, Монголия Халқ Республикасининг маданият министри С. Сосорбарам, Монголия пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари бу кўргазмага келишди. Кўргазмани очиш маросимида Монголия Халқ Республикасидаги социалистик мамлакатларнинг ва бошқа мамлакатларнинг элчилари, журналистлар ҳам ҳозир бўлдилар.

Шу куни республикамиз вакиллари Улан-Батор авторемонт заводига бориб, унинг цехлари, бу катта корхона коллективининг ҳаёти билан ғоят қизиқиб танишдилар.

Завод ишчилари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги ва Монголия Халқ Республикасининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб қандай ишлаётганликларини, бу улуғ саналарни муносиб нишонламоқ учун қандай ҳозирлик кўраётганликларини меҳмонларга гапириб беришди, Ўзбекистон ишчиларига ва барча меҳнаткашларига қизғин салом айтишни илтимос қилишди.

Монголия Халқ Республикасида ўтказилаётган Ўзбекистон ССР кунларига бағишланиб ташкил этилган адабий кечада Улан-Батор адабий жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлди. Республика ёзувчилари союзи раисининг ўринбосари Раҳмат Файзий кечада тўпланганларни Ўзбекистон ёзувчилари номидан самимий табриклади. Шоир Туроб Тўла ўзининг шеърларини ўқиб берди.

Монголия Халқ Республикаси ёзувчилар союзи правлениесининг Раиси Сономин Удвал билан таниқли монгол шоири ва ёзувчиси С. Эрдэнэ меҳмонларни монгол ёзувчилари номидан табриклади. Улар ўзбек адабиётн Монголияда севиб ўқилаётганлигини, совет ва монгол ёзувчилари ўртасидаги дўстлик алоқаларн йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганини гапириб беришди.



СУРАТДАГИ бу қувноқ йигитлар Е. Дондарев, В. Федорков, А. Прокудин, А. Гольдштейн, П. Симонов «Востокподземстрой»нинг 1-участкасида ишлашади. Улар коммуникация тунелн қурилишини олиб борадилар. Йигитлар кундалик меҳнат ва ҳаётда бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқдалар.

И. Шоиногомов фотолари.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 2.500.000 ТОННАГА ЕТДИ

● *Қишни қандай қутиб оляпсиз*

ҲАЛ БЎЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР

Шаҳримизни иссиқлик билан таъминловчи корхоналар қишга қандай тайёргарлик кўрди? Ҳамшаҳарларимиз ана шуни билишни истайдилар.

Яқинда сўз «Узтеплосеть»-нинг районлар бўйича энергия тақсимлаш бошқармасининг бошлиғи Н. И. Батаринга.

— Бу йил қатор иш-лар амалга оширилди. Чунончи, катта қувватга эга бўлган янги қозонхоналар қурилди, ва иссиқлик узатгич тармоқлари ремонт қилинди. «Шимолий Шарқ» массиви қозонхонаси янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Бизни бир нарса безовта қиляпти. Яъни иссиқ сув планда кўзда тутилганидан ортиқ сарфланмоқда. Иссиқлик энергия маркази билан тузилган шартномага мувофиқ бошқармамиз шаҳарга бир соатда 1235 гигакалорий иссиқ сув узатиши керак. Ўтган йилги қиш тажрибаси эса соатига 1750 гигакалорий иссиқ сув сарф қилинганини кўрсатди. Демак, хонадонларда сувни тежаб-тергаб сарф қилмаслик ҳоллари юз бермоқда. Шуни ҳисобга олиб, шаҳарда иссиқ сувни ҳисобга олувчи 182 та мăхсус камера ўрнатиш планлаштирилган.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги шаҳар ижроия комитети билан ҳамкорликда ана шу ҳисоблаш яхсус камералари қурилиши графигини ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Бироқ «Главташкентстрой» бу ҳисоблаш камералари қурилишини жуда сусг олиб боряпти. Шу кунгача улардан ўнтаси фойдаланишга топширилди, холос.

Уй-жой бошқармалари жойларда иссиқлик системаларини тартибга келтиришлари керак. Бироқ бу иш бир неча уйлардагина амалга оширилди. Бу уйларга иссиқ сувнинг сарф бўлишини ва уй температурасини ўлчайдиган асбоблар, сув ўлчагичлар қўйилган. Мазкур асбобларсиз хонадонларни бир тартибда — маълум миқдорда иситиб бўлмайди. Биз уйларнинг иситилишида ана шуларга тўлиқ риоя қилинишини истар эдик.





Тошкент керамика заводининг меҳнат аҳли йил сайин турли хил бадиий керамика маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: нақш чизиш цехининг моҳир рассомларидан Раъно Раҳимқулова билан Анатолий Потанин ўр тоқлар лаганларга нақш чизмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

Мақсадимиз — маданий хизмат

Бундан 22 йил илгари Тошкентда биринчи троллейбус пайдо бўлган эди. Шунда ўнта троллейбус машинаси бўлиб, Вокзал-Эскижува (ҳозирги Калинин майдони) оралиғида қатнар эди. Кадрлар етишмаслиги сабабли улар графикдан чиқиб кетар, мотор ёки бошқа муҳим қисмлар бузилгудек бўлиб қолса, бир ҳафталаб депода ётар эди.

Ҳозирги вақтда троллейбусларнинг сони ўн баравар ошди. Депо коллективи хизмат қиладиган 1, 3, 4, 5, 8, 10-маршрутларда ҳар куни 90 та янги комфортабелли троллейбус аҳолининг узоқ йўлини яқин қилиб келаяпти.

Троллейбус ҳайдовчилардан Аҳад Азизов, Ҳикмат Латипов, Оганес Аванесов, Виктор Шляховларнинг аҳолига намунали хизматлари Тошкент трамвай - троллейбус бошқармасида, маршрутлар, йўловчилар орасида фахр билан тилга олинади. Чунки, бу ҳайдовчилар қайси маршрутда бўлса ҳам, йўловчиларга ширинсуҳан ва меҳрибонлик билан хизмат кўрсатадилар. Улар бир сменада нормадан ташқари 300—400 кишига хизмат қиладилар.

«Вокзал- Экскаватор» заводи оралиғида қатновчи 5-троллейбус маршрути коммунистик меҳнат бригадаси номини юксак ишончли билан оқлаб келаётир. Маршрутга ветеран ҳайдовчи Василий Федорович Коденский бошчилик қилади.

5-троллейбус маршрутининг ҳайдовчилари турли миллат вакилларидан иборат. Улар бир оила фарзандидек ҳамжиҳатлик билан ишлаб, муваффақиятга эришдилар. Аварияcиз юрувчилар устаси Р. Хасанов, Н. Файзиев, Ж. Храмушиналар маршрут машъалларидир. Улар ҳар куни йўловчилар ташиш планини 1,5 ҳисса адо этмоқдалар.

Депо транспортчилари бир кунда 130 минг йўловчига хизмат қилиш мажбуриятини олганлар. Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг бир асрлик ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллик байрами шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа яхши самара бераяпти. Аҳил коллектив планга қўшимча кунига 20 минг йўловчини ўз манзилларига етказиб қўймоқда.

Яқинда депо коллективи яна бир янги троллейбус маршрути билан пойгахт аҳолисини хушнуд этади. Бу Аэропорт — Пушкин кўчаси оралиғида қатновчи маршрутдир. Ҳозир янги маршрутни ишга туширишга пухта ҳозирлик кўриляпти. Троллейбус симларининг монтажлари қайта кўздан кечирилмоқда. Маршрутга бириктирилган ҳайдовчиларга зарур кўрсатмалар берилмоқда.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
Кўп нусхали «Мотор» газетасининг муҳаррири.

Халқ контроли амалда

Дори-дармонлар нобуд бўлмасин

Партия ва ҳукуматимиз совет кишилари саломатлигини сақлашга катта аҳамият бериб келмоқда. Ҳар йили мамлакатимиз бюджетидан кишилар сиҳат-саломатлиги учун кўплаб миқдорда маблағ ажратилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари, шахсий пенсионерлар, оғир касалликларга чалинган кишиларнинг саломатлигини яхшилашга ҳамиша муҳим иш деб қаралади. Одамларнинг текинга даволанишлари, соғлиқларини яхшилашлари учун кўплаб даволаш-профилактика муассасалари, амбулатория, санитария, курортлар улар хизматида бўлади.

Яқинда шаҳар ҳалқ контроли комитети ана шу типдаги даволаш-профилактика муассасаларида беморларни даволаш учун ажратилаётган маблағ тақдири билан қизиқиб, чуқур текшириш ўтказди. Текшириш якунларидан маълум бўлишича, бу соҳада олиб борилаётган ишларда ютуқлар билан бирга кўпгина камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Беморларни текинга даволаш учун ажратилган маблағдан фойдаланиш плани 1967 йилда атиги эллик процент бажарилган бўлса, 1968 йилда бу процент миқдори янада пасайиб кетган. 1969 йилнинг олти ойи мобайнида ажратилган 18 минг сўм пулнинг 300 сўми ўзлаштирилган, холос.

Шахсий пенсионерлар, Улуғ Ватан уруши инвалидларининг текинга даволанишлари учун ҳар йили қирқ минг сўмдан пул ажратиб келинмоқда. Аммо ҳар йили ажратилган пулнинг 4—5 минг сўми ўзлаштирилмоқда. Шуниси ачинарлики, бу муассасаларда аҳоли талаб-эҳтиёжини ҳисобга олинмаслиги натижасида, керагидан ошиқча дори-дармонлар кўп туриб қолиши туфайли сифатини, қувватини йўқотмоқда. Тўғрироғи, яроқсиз бўлиб қолмоқда.

Октябрь районидаги 3-диспансерда (бош врачи К. Матчонов) йил бошидан шу чоққача тўпланиб қолган дори-дармонлар 15 минг 371 сўмликни ташкил қилади. Шу йилнинг августигача мавжуд бўлган дори-дармонлар 19595 сўмликни ташкил қиладики, у қарийб икки йиллик эҳтиёжни қондиришга етади.

Чилонзор районидаги 2-диспансер (бош врач А. Шарипов)ни олиб кўрайлик. Бу ерда фойдаланиш учун белгиланган вақтидан ўтиб кетган дори-дармонлар 693 сўмликни ташкил қилди.

Ҳар иккала диспансерда ҳам дори-дармонларни ҳисобга олиб бориш ва уни сақлашда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Кишининг ғашига тегадиган камчиликлардан бири шуки, баъзи бир касалликлар учун фойдаланиладиган дори-дармонлар ҳамма вақт ҳам шаҳардаги районларнинг даволаш муассасалари ўртасида бир текис тақсимланмайди.

Шаҳар ҳалқ контроли комитети беморларни текинга амбулатория шароитида даволашда даволаш-профилактика муассасаларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига даволаш-профилактика муассасаларига ажратилган давлат маблағидан ўз ўрнида тўлиқ фойдаланиш, керагидан ошиқча дори-дармонларни сақлаб, уларнинг бузилишига йўл қўймаслик, айбдорларни жазолаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилашни топширди. Белгиланган тадбирларнинг ижроси ҳақида шаҳар ҳалқ контроли комитетига хабар қилиш сўралди.



«Главташкентстрой» га қарашли «Жилстрой» трестининг бинокорлари «Қорақамиш-2» массивининг 4-микрорайони қурилишида яхши меҳнат қилаётирлар.

А. Росторгуев бошчилик қилаётган бригада коллективи қисқа муддат ичида иккита уйни монтаж қилиб топширдилар.

СУРАТДА: бир группа илғор қурувчилар.

И. Шоҳногомов фотоси.


Жаҳон оинаси

В. И. ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН СИМПОЗИУМ

ТОКИО, (ТАСС). Ижтимоий фанлар соҳасидаги совет ва япон олимларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган симпозиум Токиода очилди.

Бу симпозиум чет мамлакатлар билан маданий алоқа қилувчи Япон уюшмаси ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини байрам қилиш учун Япония социалистик партиясининг марказий ижроия комитети тузган комитет томонидан ташкил қилди.

Симпозиумда қатнашувчи совет олимлари симпозиум тугагандан кейин Японияниинг бошқа шаҳарларига борib, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган лекциялар ўқийдилар.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Прагадаги Педржих Сметана музейининг Влнова дарёси соҳилидан кўриниши.

У ТАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ—ЙОРК, (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Тан «Уолдорф —Астория» меҳмонхонасида берилган зиёфатда нутқ сўзлаб, умумий тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш мақсадларида БМТ механизмини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Бош секретарнинг фикрига кўра ушбу вазифани бажариш ишида БМТнинг хавфсизлик кенгаши алоҳида ўрин тутади. Аммо, деди у, хавфсизлик кенгаши тинчликнинг чинакам самарали омили бўлмоги учун БМТга аъзо бўлган мамлакатлар «унинг қарорларини ҳурмат қилмоқлари лозим».

У Тан айтдики, сўнгги йилларда хавфсизлик кенгашининг резолюцияларини барбод этиш майллари намоён бўлиб қолди. Ушбу қарорлар ҳеч сўзсиз бажарилмоғини таъминламоқ учун хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари ўз ихтиёрларида бўлган ҳамма воситалардан фойдаланмоқлари керак, деди У Тан.

Бош секретарь Яқин Шарқдаги аҳволнинг кескинлашаётганлигини ташвишланаётганлигини изҳор этди. Маълумки, у ерда Исроил хавфсизлик кенгашининг 1967 йил ноябрида қабул қилинган резолюциясини бажаришдан бўйин товлаётганлиги натижасида ҳанузгача кескинлик сақланиб келмоқда.

Исроилни хавфсизлик кенгашининг қарорларини бажаришга мажбур этишга қаратилган икки йиллик куч-ғайратларга қарамай, деди У Тан, «мажарони тинч йўл билан ҳал қилиш аввал бўлгани каби бугунда ҳам жуда узоқ кўринади».

● *Социализм мамлакатларида*

«Мотор» заводига юксак мукофот

ПРАГА. (ТАСС). Ческе-будеевице шаҳридаги «Мотор» миллий корхонаси социалистик Чехословакиянинг юксак мукофотини — Меҳнат ордонига сазовор бўлди. Завод ўзининг 70 йиллигини байрам қилди.

«Мотор» заводи — мамлакатда енгил автомашиналар ва мотоциклларга ўчун карбюраторлар ва ёқилғи насослари ишлаб чиқарадиган энг катта корхоналарнинг бири. Унинг маҳсулоти «Шкода» маркали енгил автомашиналарнинг ҳамма типлари учун. «Татра-603» автомобиллари, Чехословакияда ишлаб чиқарилган мотоциклларнинг ҳамма типлари учун. «Татра-603» автомобиллари, Чехословакияда ишлаб чиқарилаётган «Варшава» ва «Сирена» енгил автомашиналари учун ишлатилади.

Бу заводнинг маҳсулотларини Тольяттида қурилаётган ва янги хил енгил машиналарни ишлаб чиқарадиган Волга автомобиль заводига етказиб бериш ҳам мўлжалланмоқда.

● *Халқ Кореясининг химия саноати*

ПХЕНЬЯН. (ТАСС). Халқ Кореясида химия саноатини ривожлантиришга ва халқ хўжалигини химиялаштиришга катта аҳамият берилаяпти. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йилдан-йилга кенгайтирилмоқда. Синтетик каучук ишлаб чиқариш учун база яратиш вазифаси қўйилди. Органик химияни ривожлантириш соҳасида ҳам кейинги йилларда бир қанча муваффақиятлар қўлга киритилди. Ҳозирги вақтда Корея Халқ Демократик Республикасида ишлаб чиқарилаётган ҳом толанинг 80 процентдан кўпроғи химиявий толадан иборат.

ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

ГЎЗАЛ БОЛГАРИЯДА

Эсимда қолган шеърларнинг бирида: «Кўл кафти — Болгария» деган сатр бор. Картага қаранг, бу мамлакат кўринишн чиндан ҳам очиқ кўл кафтига ўхшайди. Болқон тоғлари кафтидаги излардек дастлаб уни шимолга томон, сўнгра жанубга томон кесиб ўтади. Республика бўйлаб қилган саёҳатимиинг маршрути ҳам шундай эди.

Бепоён ям-яшил боғлар ва денгиз соҳилларидаги олтин рангидаги қумлар, шиддат билан оқаётган дарёлар кўпиги ва кўплаб зангори сув омборлари, тўлишиб пишган олма, нок, помидорларнинг, ширадор плантацияларнинг хушбўй ҳиди қадимги слоян черковларининг ажойиб суратлари ва ҳозирги замон рассомлари чизган суратлардаги болгар аёлларининг жиддий, нурли юзлари, қадимги шаҳарларнинг ўзига хос қиёфаси ва янги кварталларни яратувчиларнинг ноизк дидлари гўзал Болгария. Сен ана шундай бўлиб менинг ёдимда абадий қоласан. Мен бу қадимги ернинг янгиликларини мамлакат индустриясининг юраги бўлган Кремиковдаги металлургия заводини, Бургрсердаги нефтехимия комбинати, Болгария Бакуси бўлган Тюленеванн, унинг нефть вишкаларини, кемалар келиб тўхтайдигяи эстакадаларни бориб кўрдим. Халқ усталарининг маҳоратли иши мени завқлантирди, таниқли маданият арбоблари билан суҳбатлашдим ва ҳамма ерда болгарлар бизнинг мамлакатимизга Совет Иттифоқига бўлган илиқ, самимий муҳаббатларини, мамлакатларимизни бир-бирига абадий боғлаган дўстлик туйғуларини сезиб турдим.

Пойтахтдан тортиб устидан ўтиб кетилган кичик қишлоқларгача ҳамма ерда ёпиштирилган шиорларни эслайман. Бу шиорларда: «Иттифоқимиз абадий яшасин!», «Совет Иттифоқи билан дўстлигимиз — қатъийдир!», «Ленин йўли билан борамиз!» деб ёзилганди.

Пловдив округидаги илғорлар слётининг қатнашчилари: «КПСС ғз шон - шарафлар бўлсин!» деган шиорни бараварига қичқириб айтишгани эсимда. Болгар халқига озодлик келтирган рус ва совет жангчиларининг ёдгорликлар олдида ҳамиша янги узилган гуллар қўйилган. Бундай ёдгорликлар мамлакатда тўрт юздан кўпрок. Озодлик куни арафасида эса бу ёдгорликлар ёнида пионер-комсомол патруллари алмашиб 36 соат туришди. Болаларнинг жиддий, ўйчан юзлари ва алмашиш маросимлари эсимда. Кекса революционерлар, партия ветеранлари қоровулларни жой-жойига қўйиб туришди.

Келинг, Софиянинг «катта хиёбон»лари бўлган Русский, Волгоград, Генераллар Гурко, Игнатьев номидаги, Тотлебен номидаги, маршал Федор Иванович Толбухин номидаги хиёбонлар ёки Москва, Скобелев, Алабин кўчалари бўйлаб сайр қилайлик... Ҳа, бу ерда адашиб қолиш қийин! Мана «Совет ва болгар китоблари» магазини, унда ҳамиша одамлар кўп. Айтгандай мен классикларимиз ва совет адабиётининг янги чиққан китобларини ҳамма уйларда кўрдим. Бу уйларга мени болгарларнинг ҳамкасбларим таклиф қилишган эди.

Бир куни кафеда «ско белевча» катта мўйлов қўйган, сочи оқарган чол мен билан ёнма-ён ўтирди. Афтидан у бу ерда кофе хўплаб бир неча соатдан бери ўтирган бўлса керак. Чол мени рус томоша қилдик, чол уларнинг ҳар бирини муфассал тушунтириб берди.

Иккинчи куни мен танишган кишини бутун дунё танийди. У Никола Гяуров бўлиб, йўғон товуш билан ашула айтувчи энг яхши қўшиқчи эди. У Георгий Димитров мақбарасининг минбари олдида туриб, Озодлик куни байрами намойишчиларини қўли билан табрикларди. Унинг ёнига эса, собиқ партизанлар, ҳарбийлар турли мамлакатлардан Болгарияга келган меҳмонлар кетма-кет келишар эди. Биз совет журналистлари ҳам унинг ёнига келиб, байрам билан табрикладик. У кулимсираб соф рус тилида бу байрам ҳаммамизнинг ажойиб байрамимиз эканлигини айтди ва Москвага, Большой театрга ва ўзи кўп йиллар таълим олган консерваторияга салом етказишни илтимос қилди. Кечқурун эса у катта байрам концертида ашула айтди.

Болгария, дўстлар билан хайрлашув вақти ҳам етди. Биз охирги кечани Витошида ўтказишга қарор қилдик. Бу пойтахтнинг жануб томонидаги тоғ чўққисидаги ресторанда унутилмас охирги кеча ўтди ва охирги автобусда жўнадик.

И. ПАНОВА,
АПНмухбири.
София.



Роцлав — Польша Халқ Республикасида энг йирик саноат, фан ва маданият марказн ҳамда катталиги жиҳатдан тўртинчи ўринда турган шаҳар ҳисобланади.

СУРАТДА: Грюнвальд майдонидаги янги уйлар.

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ, (ТАСС). Мамлакатдаги аҳвол секин-аста нормаллашиб бормоқда. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида комендантлик соати бекор қилинди.

«Ан-нидо» прогрессив газетаси мамлакатдаги ички-сиёсий аҳволни шарҳлар экан, «Фаластин партизанларига, Ливандаги ва бошқа Араб мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатларига, қарши қаратилган фитнани ва Америка империализми ва ва ички реакция амалга оширишга йўл қўйиб бермасликларини ҳалқ ва айниқса унинг прогрессив, антиимпериалистик кучлари ишончли қилиб кўрсатдилар», деб ёзади.

Бироқ, деб таъкидлайди газета, қатъий қаршиликка учраган империализм ва реакция ўз тактикасини ўзгартирибгина қолаётган экан, ватанпарвар кучлар ҳали матонатли ва узоқ кураш олиб боришлари керак бўлади.

ОККУПАЦИЯЧИЛАРНИНГ ЗУЛМИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Оккупация қилинган территориялардаги Исроил маъмурияти араб аҳолисига қарши террор ва репрессиялар компаниясини кучайтирмоқда.

МЕН агентлигининг хабарида айтилишича, оккупация қилинган Ғарбий Иорданиядан келган маълумотларга қараганда Исроил қўшинлари Халхул (Хеброн вилояти) арабларнинг 75 та уйини бузиб ташлаганлар, натижада 3 минг киши бошпанасиз қолган. Уларнинг бутун мол-мулки йўқ қилиб ташланган. Исроил маъмурлари арабларни Ғарбий Иорданиядан ҳайдаб чиқариш ва босиб олинган араб территорияларини Исроилники қилиб олиш мақсадида мана шундай ваҳшиёна чоралар кўраётирлар, дейилмоқда.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
3 НОЯБРЬ 1969 й.
ДУШАНБА
№ 258 (1021).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан оширингиз! Ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланиш учун, лойиҳадаги қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартириш учун курашингиз!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).



Усимликлар химияси институтининг оқсиллар лабораториясида кўплаб илмий ишлар олиб борилади.

СУРАТДА: А. Раҳимов чигитдаги ферментларни ажратмоқда.

И. Шоннағомов фотоси.

ЗАФАРЛАРИМИЗ СЕНГА, ОКТЯБРЬ!

МАРРА ЯҚИН

Беш йиллик тўртинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, планга қўшимча 270 минг сўмлик пойафзал ишлаб чиқариш, 30 минг жуфт пойафзал тайёрлашга етадиган 1200 минг квадрат дециметр чарм тежаш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилган 2-пойафзал фабрикасининг коллективи Улуғ Октябрнинг 52 йиллигини катта меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқда.

Октябрни зарбдор ой, деб эълон қилган пойафзалчилар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн ойлик план топшириқларини муддатидан бир ҳафта олдин адо этдилар.

Ўн ойлик топширикда белгиланган 5 миллион 677 минг сўмлик ўрнига 5 миллион 931 минг сўмлик пойафзал сотилди. Планга қўшимча 254 минг сўмлик ёки 16 минг жуфт пойафзал реализация қилинди.

Иқтисод ва тежамкорлик юришида ҳам самарали натижаларга эришилмоқда. Йил бошидан буён бир миллион квадрат дециметрдан зиёд чарм тежалди. Тежалган бу хом ашёлардан 25 минг жуфт пойафзал тайёрлаш мумкин.

Йил бошидан пойафзалларнинг 58 янги моделини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

С. Г. Зайденберг бошчилик қилаётган хотин-қизлар пойафзалини тайёрлаш цехининг коллективи цехлараро социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Корхонанинг кўчма Қизил байроғини ана шу коллективга беришга қарор қилинди.


Ҳозир корхонанинг меҳнат пешқадамларидан 120 киши беш йиллик маррасидан ўзди. Тошкентлик беш Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг даъватига жавобан 650 ишчи беш йиллик шахсий топшириқларини В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигигача бажариш мажбуриятини олган.

Пойафзалчилар ғайрат кўрсатиб йиллик маррага тобора яқинлашмоқдалар.



БУГУН— В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙИ ҚУРИЛИШИДА

ЯГОНА МАҚСАД



«Тошкент» меҳмонхонаси ёнгинасида мармар, гранит ва ойнадан бунёд этилаётган ҳашаматли тўрт қаватли бино ҳақида ҳамшаҳарларимиз гурур билан гапиришади. Вақт ўтиши билан ана шу замонавий иншоот фойдаланишга топширилгач, шаҳримиз ҳуснига яна бир ажиб файз қўшилади. Ҳақиқатан ҳам В. И. Ленин номидаги Марказий музейининг Тошкент филиали Ўзбекистон пойтахтидаги биноларнинг энг гўзалларидан гўзали бўлади.

Бу бинони 11-«Висотстрой»га қарашли 69-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари бунёд этмоқдалар. Уларга кўп пудратчи ташкилотлар ёрдам беряпти. Қурувчилар ҳам, монтажчилар ҳам, қурилишга етарли материалларни пешма-пеш етказиб бераётган корхоналар ҳам ягона мақсад — ана шу улкан комплексни муддатидан илгари — В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигигача фойдаланишга топшириш иши билан ёнганлар.

В. И. Ленин музейи қурилишида бўлган киши қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўлади. Бинокорлар байрамолди меҳнат вахтасида тўриб ишлаб, ишлаб чиқариш топшириқларини оширib адо этмоқдалар.

Қурилишда бўлганимизда 2-«Стальмонтаж» бошқармасининг участка бошлиги И. Кановалов билан учрашдик. У металл фонарлар монтажини кўздан кечириб юрарди. Участка бошлиги йигитларнинг ишидан хурсанд бўлди шекилли, юзига табассум югурди. Бундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин эмасда. Чунки В. Судаков бригадаси жуда қисқа муддат ичида белгиланган топшириқни бажариб қўйди.

Қаватлардан - қаватларга кўтариламиз. Биз ҳамма ерда ҳам қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўлдик. Утган ҳафтада музейда талайгина ишлар қилинди. Масалан, иккинчи қаватда 1-«Стальмонтаж» бошқармасининг бригадаси аъзолари алюмин безакларини ўрнатиб ишни ниҳоясига етказишди. Уларнинг ўрнига эса 1-пардозлаш трестининг 20-қурилиш бошқармаси ойнасозлар бригадаси аъзоларини келишди. Г. Лихо бошлиқ бригада аъзолари учун ҳам бу ерда иш етарли. Йигитлар жуда яхши ишлашяпти.

Ойнасозлардан сал нарироқда Тавларидис бригадаси аъзолари меҳнат қилишяпти. Булар ҳам ғайратгайрат кўшиб ишлаб иш суръатини жадаллаштиришмоқдалар. Ҳамма бир жон-бир тан бўлиб, об-ҳавонинг қулайлигидан фойдаланишяпти. Улкан қурилишда меҳнат қилаётган ҳамма бригада ва участкаларнинг аъзоларини Улуғ Октябрнинг 52 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига муносиб армуғонлар тайёрламоқдалар.

Суратларда: шу музей қурилишида намуналик меҳнат қилаётган ёш бинокорлардан [чапдан ўнгга] Пўлат Мелқулов, Мурод Ўсарбоев, Маҳсуд Обидов ва Абулқосим Раззоқов.

Музей қурилиши тўну-кун бетўхтов олиб борилмоқда. Музейни безаш учун ишлатиладиган мармар плиталар махсус кўтарма механизмларда олиб бориляпти.

Музейдаги пардозлаш ишларида пастдаги суратда кўриб турган бўёқчи қизлар ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Улар [чапдан ўнгга] Галина Колобова, Галина Лапшина ва Надежда Куричинкиналар 1-пардозлаш трестига қарашли 20-қурилиш бошқармасининг энг илғор ишчиларидир. Қизлар смена топшириқларини оширib бажаришяпти.

М. Нуриддинов ва Л. Глауберзон фотолари.

ЯНГИ МАГАЗИН

Бугун

«Узмедтехника» бошқармаси ташаббуси билан Гагарин кўчасида кўзойнаклар магазини ишга туширилди. Магазинда ҳар хил кўзойнаклар бор.

ПОЛИКЛИНИКА ҚУРИЛМОҚДА

Студентлар шаҳарчасида янги поликлиника қурилмоқда. Қурилишни олиб бориш «Главташкентстрой»нинг 6-қурилиш трестига қарашли 7-қурилиш бошқармаси аъзоларига топширилган. Бу ерда ҳозир Сотиболди Қосимов бошчилигидаги 28 кишидан иборат комплекс бригада ишламоқда.

Иш бошланганига эндигина бир ой бўлганига қарамай, биринчи қават битказилди ва устига панеллар ётқизилмоқда. Бригададаги ғишт терувчилардан Х. Қосимов, Х. Шамсиев, Д. Раҳматуллаевлар меҳнатда ўрнак кўрсатиб, кундалик нормаларини бир ярим ҳиссадан адо этмоқдалар. Поликлиника келгуси йили фойдаланишга топширилади.



● *Қишни қандай кутиб оляпсиз?*

Бизнинг интервью

КЎПЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Куйбишев районидаги уй-жой бошқармасида қиш мавсумига қандай тараддуд кўрилди? Турар-жойлардан фойдаланиш идоралари қишга тайёрми?

Район уй-жой бошқармасининг бош инженери **Лев Александрович Смирнов** шу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Бошқармамизга ўн еттита турар-жойлардан фойдаланиш идораси ва иккита уй бошқармаси қарайди. Улар 819 та бир қаватли ва кўп қаватли уйларни ўз ичига олган.

Биз қишга тайёргарлик кўришда йирик корхона, уй-жойлардан фойдаланиш вакилларидан иборат доимий ҳаракатдаги штаб туздик. Бу штабга район ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. А. Шарофиддинов раҳбарлик қилади. Ҳар ҳафтанинг жума куни штабда қишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ишлар якуни муҳокама қилинади.

Шу кунгача бошқармадаги уйларнинг капитал ва жорий ремонти тугалланди. Қозонхоналар қиш мавсумига тахт бўлди. 3110 печка жорий ремонтдан чиқди. Печкалардаги профилактоий ишлари тамомланди.

Айниқса, москвалик бинокорлардан хурсандмиз. Улар «Марказ-1» ва «Марказ-2» да барпо этган уйлар ҳар томонлама афзалликларга эга. Қиш мавсумида фойдаланиш учун уларда қўшимча ҳеч қандай иш қилинмайди.

Бизни «Шимоли-Шарқ-2» ва «Черданцев-2» массивидаги уй-жойларни иситиш масаласи ташвишлантирмоқда. Ўтган қишда айниқса, ана шу массив аҳолисидан кўплаб шикоятлар тушган эди. Ҳозирда ҳам бу массивлардаги уй-жойларнинг бир қисмини қишга тайёр деб бўлмайди. Бу уйларнинг баъзиларида томлари яхши ёпилмай қолган, иссиқлик батареялари янгиланмаган. Йирик панелли уйларнинг ёриқлари бекитилмаган. Биз ана шу ишларни шошилинч равишда ҳал қилиш учун 1-уйсозлик комбинати билан шартнома туздик. Шу кунларда уйсозлик комбинатининг ишчилари мазкур уйларда иш олиб бораётирлар. Бу ишда районимиздаги саноат корхоналарининг раҳбарлари ҳам яқиндан ёрдам қилишяпти. Бу корхоналар ўз слесарлари ва туташкасозларини ёрдамга юборяпти. Улар уйлардаги ремонт ишларида кўмаклашаётирлар.

Бошқармамиздаги барча ремонт ишларини 10 ноябргача тугатишга ҳаракат қиляпмиз.

АВИАТОРЛАР ҲИММАТИ

Сергелидаги авиация хўжалиги учувчилари пахта майдонларини ишлаш бўйича октябрь ойи топшириқларини уч марта ошириб бажардилар. Улар пландаги 45 минг гектар ўрнига 135 минг гектар пахта майдонини дефолиациядан чиқардилар. Бундан ташқари сергелиликлар учиш соатлари бўйича топшириқларини ҳам 1,5 баравар ошириб бажардилар.

Дефолиация қилиш бўйича моҳир учувчи Л. Горностаев командирлик қилган «АН-2» самолётининг экипажи мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Экипаж Сирдарё областидаги 6 ва 28-совхозларда 12100 гектар майдонни машина теримига тайёрлади.

● *Янги фильмлар*

„ИНСОН НИМАГА ҚОДИР“

Бу экран асарининг темаси ҳам, композицион тузилиши ҳам ўзгача. Ўзбекистон ССР хроникал-ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студияси бундай асарни яратишга илк бор қўл уриши.

«Инсон нимага қодир» деб номланадиган янги ҳужжатли фильм Ўрта Осиё республикаларида ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси ҳақида ҳикоя қилади, шарафли меҳнат улуғланади. Фильм ҳаҳрамонлари турли касб эгалари. Воқеалар ўзбек, тожик ва туркман диёрида содир бўлади. Фильм учта новелла «Кишилар». «Сув» ва «Қўшиқ» деган қисмларни ўз ичига олади. Биринчи новеллада, «Ташсельмаш» заводининг машҳур ишчиси Юсуповлар оиласи ҳақида ҳикоя қилинади.

БАЙРОҚДОР БАЗА

15-БАЗА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА 3700 ТОННА САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА ИНЪОМ ҚИЛДИ. «Ташплодоовощторг»ига қарашли бу база коллективи юбилей йилида колхозлардан кўплаб маҳсулот қабул қилиб олиб, йиллик маҳсулот тайёрлаш планини 159 процентга етказиб бажарди.

База коллективи Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» миршкорлари билан яқин алоқада бўлиб, ёз ва куз давомида 250 тонна картошка, 222 тонна пиёз, 215 тонна карам, 41 тонна савзи ва бошқа дала нозуneъматларини шаҳарликлар дастурхонига етказиб берди.

База коллективи уч йилдан буён «Ташплодоовощторг»нинг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келмоқда. Коллектив қишгача ҳамшаҳарларимиз дастурхонига яна 500 тонна сабзавот етказиб беришга аҳд қилди.

МАРКАЗДА ИШ ЖАДАЛ

Марказда қад кўтараётган ҳашаматли бинолар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир «Марказ-14» микрорайонининг қурилиши авжида. У 10 та тўрт қаватли турар-жой биноларини ва 3 та икки қаватли ҳар бири 280 ўринга мўлжалланган болалар боғчаларини ўз ичига олади.

159-қурилиш трестига қарашли 13-қурилиш бошқармаси кварталда жадаллик билан иғ олиб боряпти. Шу биноларнинг 2 та 40 квартирали, 4 та 72 квартирали уй ва битта болалар боғчаси қурилишини кўзга ташланиб қолди.

Прораб Олим Аббосов бошчилик қилаётган объектларда иш яхши ташкил қилинган.

ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ТАМОМ БЎЛДИ

ПРАГА, 31 октябрь. (ТАСС). Будапешт Мурожаатига имзо чекнан социалистик давлатлар — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министрларининг Кенгаши бугун Прагада ўз ишини тамомлади.

Кенгаш Умум Европа Кенгашига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган баъзи бир масалаларни қараб чиқишга бағишланди.

Кенгаш дўстлик, ўртоқлик вазиятида ўтди ва унинг охирида қўшма баёнот имзоланди. Баёнот тексти эълон қилинади.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

БАЁНОТИ

1969 йил 30—31 октябрь кунлари Прага шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда қуйидагилар қатнашдилар:

Болгария Халқ Республикасидан — ташқи ишлар министри Иван Башев,

Венгрия Халқ Республикасидан — ташқи ишлар министрининг ўринбосари Карой Эрдеи,

Германия Демократик Республикасидан — ташқи ишлар министри Отто Винцер,

Польша Халқ Республикасидан — ташқи ишлар министри Стефан Ендриховский,

Руминия Социалистик Республикасидан — ташқи ишлар министри Корнелиу Мэнеску,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — ташқи ишлар министри А. А. Громико,

Чехословакия Социалистик Республикасидан — ташқи ишлар министри Ян Марко.

Вакиллари Кенгашда қатнашаётган ҳукуматлар Европада кескинликни юмшатиш, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва тинч ҳамкорлик қилишни ривожлантириш мақсадларида якка ҳолда ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда янги қадамлар қўйишга интилаётганликлари ва бунга тайёр эканликларини таъкидладилар. Улар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Европадаги барча мамлакатларга қарата 1969 йил 17 мартда қабул қилган Будапешт Мурожаатининг таклифлари ўзининг ҳаётийлигини исбот қилганлигини таъкидлайдилар.

Бунда Кенгаш қатнашчилари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Умум Европа Кенгашини чақиришни тайёрлашга алоҳида эътибор бердилар Улар Умум Европа Кенгашини ўтказиш тўғрисидаги таклифни Европадаги кўпчилик давлатлар кенг кўламда ижобий кутиб олганликларини мамнуният билан уқтириб ўтдилар. Бу таклиф Европада актив ишчанлик билан муҳокама қилинмоқда ва муҳокама чоғида Кенгашни тайёрлаш билан алоқадор турли масалалар хусусида конкрет мулоҳазалар айтилмоқдаки, бу Европадаги барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларини кўзлаб биргаликда куч-ғайрат кўрсатиб кенгаш ўтказиш ва Европа хавфсизлигига эришмоқ учун реал имкониятлар яратиб беради.

Умум Европа Кенгашини тайёрлаш ва ўтказишга ёрдам бериш учун тайёр эканлигини 1969 йил 5 майда баён қилган Финляндия ҳукуматининг қимматли ташаббуси ҳам яхши кутиб олинди. Будапешт Мурожаатини имзолаган ҳамма мамлакатлар бу ташаббусга ижобий жавоб қайтаришди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари ўз ҳукуматларининг топшириғига биноан ҳаракат қилиб, Умум Европа Кенгаши иш тартибига киритиш учун қуйидаги масалаларни таклиф қиладилар:

1. Европа хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида ва Европадаги давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш тўғрисида таҳдид қилишдан воз кечиш ҳақида.

2. Европадаги давлатлар ўртасида снёсий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тенг ҳуқуқлилик асосидаги савдо-сотиқ, иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш тўғрисида.

Ушбу баёнотни имзолаган социалистик давлатлар шуни ғоят аҳамиятлироқ, юқорида айтиб ўтилган масалаларни самарали муҳокама қилиш ва шулар юзасидан битимга эришиш Европада кескинликни юмшатишга, ҳамжиҳатликни ўстиришга, давлатлар ўртасидаги тинчтотувлик ва дўстлик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берган ва шу билан Европадаги ҳамма халқлар ғоят манфаатдор бўлган хавфсизликни таъминлаш бўларди. Умум Европа Кенгашининг муваффақияти қитъамиз ҳаётида ва бутун дунё халқларининг ҳаётида тарихий воқеа бўлар эди. Кенгашнинг муваффақияти кейинчалик Европа давлатларини қизиқтирувчи бошқа проблемаларни ҳам кўриб чиқишга йўл очиб берган бўлур эди. Бу проблемаларнинг ҳал этилиши Европада тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўларди. Европадаги барча давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли кенг ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда Европада Умум Европа Кенгашида қатнашувчи давлатларнинг коллектив асослари ва биргаликдаги куч-ғайратлари заминида вужудга келган ва ҳозирги мавжуд мустаҳкам хавфсизликни таъминлашга ёрдам берган бўлур эди.

Ушбу Кенгашда қатнашувчи мамлакатларнинг ҳукуматлари Умум Европа Кенгашига тайёргарлик кўриш тартибида манфаатдор давлатлар ўртасида икки томонлама ёки кўп томонлама маслаҳатлашишлар чоғида мана шу мулоҳазаларни муҳокама қилишни таклиф этадилар. Улар Умум Европа Кенгашини амалий тайёрлаш ва унинг муваффақиятли чиқишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳар қандай таклифларни кўриб чиқишга тайёрдирлар, албатта.

Ташқи ишлар министрлари ўз ҳукуматларининг номидан шунга ишонч билдирадиларки, ҳали бартараф этилмаган баъзи мураккаб масалалар борлигига қарамай, Умум Европа Кенгашини тайёрлаш ва ўтказиш билан алоқадор ҳамма масалалар — хоҳ кун тартиби, хоҳ қатнашувчилар доираси ёки кенгашни чақириш тартиби каби масалалар яхши нстак билан ҳамжиҳатликка астойдил интилиш бўлган тақдирда ҳал қилиниши мумкин.

Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматлари қитъанинг тинч келажаги манфаатлари йўлида Европадаги барча давлатларга мурожаат қилиб Умум Европа Кенгашини тезроқ чақириш учун куч-ғайрат сарфлашга чақирадилар. Уларнинг фикрига кўра, бу Кенгаш 1970 йилнинг биринчи ярмида Хельсинкида бўлиб ўтиши мумкин.

Руминия Социалистик Республикаси номидан

Корнелиу МЭНЕСКУ

ташқи ишлар министри.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан

А. А. ГРОМИКО

ташқи ишлар министри.

Чехословакия Социалистик Республикаси номидан

Ян МАРКО

ташқи ишлар министри.

Венгрия Халқ Республикаси номидан

Карой ЭРДЕИ

ташқи ишлар министрининг ўринбосари.

Германия Демократик Республикаси номидан

Отто ВИНЦЕР

ташқи ишлар министри.

Польша Халқ Республикаси номидан

Стефан ЕНДРИХОВСКИЙ

ташқи ишлар министри.

1969 йил 31 октябрь.

Болгария Халқ Республикаси номидан

Иван БАШЕВ

ташқи ишлар министри.

КОРХОНАЛАР ҚИШГА ШАЙЛАНМОҚДА

Тараддуд

Бултурги қиш кутилмаганда жуда совуқ бўлди. Бу эса кўпгина корхоналар ишини бир мунча қийинлаштириб қўйди. Бундан барча корхоналарнинг коллективлари хулоса чиқариб, бу йилги қиш мавсумига тайёргарликни ҳар томонлама кучайтирмоқдалар. Бу борада Тошкентдаги экскаватор заводининг механизаторлари ҳам ғайрат кўрсатиб, корхонани қишга ҳозирлаш, шунингдек кўпгина ташкилий ишларни тезлаштиришяпти.

— Қишга алоҳида тайёргарлик кўряпмиз,— дейди завод бош инженерининг ўринбосари ўртоқ В. Спиридонов,— яқинда бу масала партия-хўжалик активи йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Унда йўл қўйилган камчиликлар юз-хотир қилмай очиб ташланди.

Тўғри, заводимиз коллективи бу йил қиш ҳозирлигига бир мунча оғир шароитда киришди. Чунки баъзи цехлар, жумладан эксперименталь цехи реконструкция қилиняпти. Йиғилишда асосан материал ва техника таъминоти юзасидан фойдали фикрлар ўртага ташланди.

Биз, заводимиз маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари билан бамаслаҳат иш юритиб, корхонани қишга тайёрлаш билан боғлиқ конкрет тадбирларни белгиладик. Бу иш учун жавобгарлик корхонамизнинг етакчи мутахассисларига зиммасига юклатилди.

Ҳақиқатан ҳам, заводдаги аҳвол билан танишганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Ҳар бир масъулиятли ходимдан ўз зиммасида қайси куни қандай топшириқни бажарганлиги ҳақида махсус график текшириб борилмоқда. Бу борада айниқса энергетика цехининг бошлиғи ўртоқ Зашейко зиммасидаги топшириқлар аъло адо этилмоқда. Унга эргашаётган кўпгина цехларнинг коллективлари ҳам бор, албатта. Бу меҳнатсевар цехларнинг томини, дераза ва иситиш воситаларини қишга ҳозирлашда намуналли иш қилишяпти. Махсус группа санитария-техника воситалари ва водопроводларини мавсумга ҳозирлаш билан машғул. Бу ишлар ҳам ҳар куни планёркада текшириб борилмоқда.

Қишга тайёргарлик асосан уч йўсинда олиб бориляпти. Юқорида айтилгандек, энергетика тармоғи, санитария-техника ва қурилиш ишлари бўйича алоҳида группалар шуғулланишмоқда. Ҳозиргача графикда белгиланган кўпгина тадбирлар адо этилди. Бунда айниқса 60-ремонт қурилиш бошқармасига қарашли 2- ва 5-қурилиш ташкилотлари азаматлари ҳиммат ва ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Уларга қурилиш материалларн, техника жиҳозлари пешмапеш етказиб берилмоқда.

Маълумки, қиш мавсумида ишчиларнинг корхонага ўз вақтида келиб-кетишлари, меҳнат интизомининг сақланишида болалар боғча ва яслилари, ётоқхоналар беками-кўстлиги муҳим роль ўйнайди. Корхона ишчиларининг фарзандлари тарбияланаётган 77- ва 122-болалар боғчалари ремонти тугалланди. Елена Лисенко бошчилик қилаётган йирик 153-болалар боғчаси ва 1-ҳамда 2-ётоқхоналарни қишга тайёрлаш ишлари ҳам тугалланиш арафасида турибди. Шуни айтиш керакки, қурувчи ва сантехниклар ишнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор беришяпти.

Хуллас, корхонада ўртоқ В. Спиридонов раҳбарлик қилаётган қишга ҳозирлик кўриш бўйича махсус комиссия барча тадбирий-чораларни кўришга интилмоқда. Аҳил коллектив беш йилликнинг тўртинчи йили топшириғини муваффақиятли адо этиш, беш йилликнинг сўнгги йилида эса маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил курашмоқда. Қишга ҳар томонлама намунали тайёргарлик кўрилаётгани бундан яққол далолат бериб турибди.

И. ҲАМИДОВ.



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.
Республика пойтахти Будапешт кўпгина тарихий обидалар шаҳридир.
СУРАТДА: сунъий муз спорт саройи қаршисидаги тарихий камалак тортаётган жангчи ҳайкали.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

СУРИЯДА ЕР ИСЛОҲОТИ

ДАМАШҚ. Сурия Араб Республикасида кам ер ва ерсиз деҳқонларга ерларни бўлиб бериш давом этмоқда.

«Ал-басс» газетасида босилган хабарда айтилишича, яқинда Хомс вилоятида 1900 га яқин деҳқон катта заминдорлардан тортиб олинган 32 минг донумдан кўпроқ (бир донум 910 квадрат метрга тенг) ерга эгалик қилиш ҳужжатларини олдилар. Бу вилоятда давлат ерларидан жами 300 минг донуми 6 минг деҳқонга тақсимлаб берилди.

Ҳам вилоятида давлат ерларини тақсимлаш тўла равишда тугалланди.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

БРАЗЗАВИЛЬ. Конго Республикасининг революцион миллий Кенгаши республика пойтахти Браззавиль шаҳрини мамлакатнинг асосий порти ва иқтисодий маркази Пуэнт-Нуар билан туташтирган темир йўлни национализация қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Революцион миллий Кенгашнинг раиси ва Конго давлатининг бошлиғи Мариан Нгуаби радио орқали сўзга чиқиб, халққа қилган мурожаатида шундай қарор қабул қилинганлигини айтди.

М. Нгуаби мустақил экономиканн вужудга келтириш, «мамлакатни тўла равишда озод қилишнинг асосий шарти» эканлигини таъкидлаб, революцион миллий Кенгаш Конго, Габон, Чад ва Марказий Африка Республикасидан иборат тўртта мамлакатни бирлаштирувчи коммуникациялар трансэкваториал агентлиги тузиш тўғрисидаги битимни бекор қилганлигини айтди. (ТАСС).



Тошкентдаги «Газаппарат» заводи янги турар-жойлар учун кўплаб газ плиталарини ишлаб чиқармоқда.
СУРАТДА: тайёр маҳсулотни жўнатиш пайти. М. Нуриддинов фотоси.

Маҳалла активлари

Октябрь районидаги Литвинов номли маҳалла активларининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши кўпгина муҳим масалаларни муҳокама қилди. Йиғилишда ахборот берган маҳалла комитети раиси Б. Мирахмедов В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб нишонлашга маҳаллада пухта ҳозирлик кўрилаётганлигини айтди.

Маҳалла меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 52 йиллик байрамини юксак шодиёна кайфиятида ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунга атаб маҳалла клубини капитал ремонтдан чиқариш, байрамгача маҳалла территориясидаги кўчаларни тартибга келтиришга аҳд қилганлар. Ҳозирнинг ўзидаёқ маҳалла комитети томонидан белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги бажарилди ҳисоб.

Чунончи, катта клуб биноси муддатидан олдин капитал ремонтдан чиқазилиб, жиҳозлаб қўйилди. Амалга оширилаётган ишларни сифатли бажаришда Туроб Муҳаммаджонов, Фозил Салимов ва бошқалар муносиб ҳиссаларини қўшиб келяптилар.

Байрам кунларигача кўчаларни тозалаш ва тартибга келтириш, маҳалла чойхонасини яхшилаб жиҳозлаш ишлари ҳам бажарилади. Маҳалла территориясини кузакдан бошлабоқ кўкаламзорлаштиришга киришилди.

Ҳозирги кунларда белгиланган тадбирлар юзасидан жиддий ишлар олиб борилмоқда. Литвинов номли маҳаллани бу ерда яшовчилар ҳар жиҳатдан обод, кўркам қилишдек эзгу мақсад йўлида ҳаракат қилмоқдалар.

М. РАҲМОНОВ.

«ДЎСТЛИК» МАГИСТРАЛИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ ғарби - шимолида Литвинов деган шаҳар бор. Унга қўшни бўлган яна бир шаҳар кўчаларида на автобуслар, на енгил машиналарни, на ёвв юрувчиларни учрата оласиз. Бу шаҳар чорсиларида «А-4 кўчаси», «С-9 кўчаси», «Н-12» кўчаси деб ёзилган одатдагидай бўлмаган кўрсаткичлар турибди. Улкан корпуслар орасида қисилган кўчалар бўйлаб ҳамма ерда жуда катта қон томири сингари ер ости ва устидан бир неча ярус баландликдан қувурлар чўзилиб кетган. Бу шаҳар «Чехословакия — Совет дўстлиги номли химия заводлари» деб аталади. Бу заводларнинг тарихи қизиқарлидир.

1945 йил апрелида Совет Армияси Чехословакияни озод қилишдан бир неча кун илгари Америка авиацияси комбинатни деярли батамом ер билан текислаган эди. Бомбардимонлар ҳарбий зарурият учун қилинмади. Океан орқасидагилар, «Стандарт ойл» ёки «Кемикл индастри» хўжайинлари бу корхонага эгалик қилолмаслигини тушунганларидан кейин бомбардимонларни бошқа мақсадда қилган эдилар. Аммо эгалик қилишга истаклари катта эди. Ахир комбинат маҳаллий кулранг кўмирдан авиация бензини ва сув ости кемалари учун дизель ёқилғиси ишлаб чиқарар эди да.

Литвинов шаҳри яқинидаги заводлар эгаси бўлиб қолган Совет Иттифоқи бу заводларни собиқ нацистларнинг бошқа корхоналари қатори, янги Чехословакияга совға қилиб топширди. Совет кишилари комбинатнинг янгича турмуш бошлаши учун ёрдамлашдилар. Ҳозир «Чехословакия — Совет дўстлиги номидаги химия заводлари» ЧССР даги йирик корхоналарнинг биридир.

Комбинат биринчи беш йиллик йилларидаёқ республика халқ хўжалигига суюқ синтетик ёқилғидан ташқари метанол, олтингугурт, фенол, аммиак етказиб бера бошлади. Кейинги вақтларда бу заводларда совет нефтини қайтадан ишлай бошладилар. «Дўстлик» нефтепроводи айни бизнинг заводларимизда тугалланади,— деди корхона директори Вацлав Шванделик.— Биз СССРдан ҳар йили миллион тонна қора олтин оламиз. Ҳозир у бизнинг асосий хом ашёмиз ҳисобланади». Комбинатнинг истиқболи қанақа? «У уч асосий йўналиш бўйича— кўмир ва нефтни ёқилғи қилиб қайта ишлаш, нефть-химия буюмлари ҳамда сунъий ўғитлар учун хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади, жумладан яқин йиллар ичида аммиак ишлаб чиқариш қарийб икки баравар кўпайтирилади. Нефтепроводнинг иккинчи йўли ётказилгандан кейин ишлаб чиқариш ҳажми анча ошади. Мамлакатга жуда кўп пластмасса керак. Сизларда уни ишлаб чиқариш пухта йўлга қўйилган, бизлар эса эндигина бошлаяпмиз. Тажриба ишларида бизга Москва ва Уфа илмий-текшириш институтлари ёрдам бермоқда».

Корхона кишилари ҳозир қандай яшаяпти ва меҳнат қиляпти? Корхонада 12 мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчи, 2000 га яқин қурувчи банд. Завод партия ташкилотларида 2100 коммунист бор.

Завод партия ходимлари ва оддий ишчилар, хизматчи ва корхона раҳбарлари Владимир области коммунистларининг КПСС обком секретари С. И. Сурниченко бошчилигидаги вакилларини кутиб олганларида Чехословакия Коммунистик партиясининг сиёсий йўлини амалий ишлар билан қўллаб-қувватлаш, Совет Иттифоқи билан дўстликни мустаҳкамлаш ўзларининг энг муҳим вазифалари эканлигини гапирган эдилар. Меҳмонлар комбинат коммунистлари олдида Владимир области меҳнаткашларининг муваффақиятлари ҳақида, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига қандай тайёрланаётганликлари тўғрисида гапириб бердилар. «Биз сизларнинг қийинчиликларингизни тушунамиз, — дейишди. Владимир областининг вакиллари, — Бизлар дўстлигимизнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши учун қўлдан келган ҳамма нарсани қиламиз.

Заводдагилар меҳмонларга яқинда фойдаланишга топширилган бир неча объектни кўрсатдилар. Бу объектлар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ёруғлик кўп, территория озода, гул ва кўкатлар экилган.

Литвиновда заводнинг 10 минг ўринли қишки стадиони ҳозиргина кўриб тугалланди. Сунъий муздан қилинган яхлатлакда ҳозирданоқ маҳаллий хоккей командаси машқ қиляпти. «Хатто музни тозалайдиган машинани ҳам ўзимиз яратдик, — деди директор. Сув ҳавзаларимиз, спорт майдонларимиз, дам олиш уйимиз жуда ҳам яхши.

Қардош Болгариядаги дам олиш уйида ўтган йил ёзида 7 минг киши дам олди. Буларнинг ҳаммаси ўтган йиллар ичида социализм ривожланишининг реал самараларидир. Бу ривожланишни баъзи бировлар йўқ қилиб ташлаш учун уринган эди».

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сентябрь пленуми мамлакатнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилди, бундан кейин олдинга қараб ҳаракат қилишнинг истиқболларини кўрсатиб берди. Корхона коллективи ўз кучига яна ишонди. Заводлар одатдагича меҳнат ритми билан ишлаяпти. Коллектив саноатни бундан кейин янада ривожлантириш йўлида мамлакат олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишдаги ўз масъулиятини англаб турибди. Яқин ўн йиллар мобайнида ЧССР химия буюмлари саноатининг қўшаётган ҳиссаси умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 15 процентини ташкил этажак. Химия машинасозликдан кейин республика саноатининг иккинчи етакчи соҳаси бўлиб қолади. Чехословакия Коммунистик партиясининг марксча-ленинча йўли ва Чехословакия-Совет дўстлиги бу йўлларда муваффақиятлар гаровидир.

М. ПУЧКОВСКИЙ,
АПН мухбири.
Прага.

ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА

ЛАВҲА

Битта-ю битта ўғли дардга чалинди-ю, отанинг ҳам, онанинг ҳам тинчи бузилди... Олдинги ўғиллари пешонасига сиғмагани етмабмиди ўзи!

Бахтимизга шу ўғлимиз турсин, муродимиз ҳосил бўлсин, деб исмини ҳам Тўхтамурод қўйишди.

Бола олдинига «бурнимнинг бу томони, у томони битаяпти», деб юрди. Ота-онаси тумовлаганга йўйишди. Аммо, ойлар ўтиши билан боланинг аҳволи оғирлаша бошлади. У бурнидан мутлақо нафас ололмай қолди. Зўр-базўр оғзидан нафас олар, аҳволи борган сари оғирлашарди. Ота-онанинг борган сари ҳаловати бузилди. Ҳали эскилик сарқитидан бутунлай қутулолмаган чол-кампир ўғлини мулларга кўрсатди. Бу ер-им-чирим лар учун катта-катта харажат бўлди-ю, лекин касал енгиллашмади. Ота бу билан ҳам чекланмади. Лўли кампир чақириб келиб, ўғлининг тилини устарада кестирди, бўтадай бўзлатиб, ҳўкиз шохи билан тилидан қон олдирди. Аммо, бутун «куф-суф»лар беморга тарикча ҳам фойда келтирмади, дард зўраяверди. Шундан кейин Қурбон ота дўхтирга чопиб қолди. Аввал Чироқчи район шифокорларига, кейин Қарши ва Самарқандга олиб келиб кўрсатди. У ердагилар ўғлининг дарди жиддий эканлигини, Тошкентга олиб боришни маслаҳат беришди.

Ота-бола шифо қидириб Чироқчи чўлидан Тошкентга келишди. Улар 1-шаҳар клиника касалхонасини топиб, стоматология касалликлари бўлимининг мудири Ҳакима Миршариповна қабулига киришди.

—Келинг ота, хизмат? —аҳвол сўради Ҳакима Миршариповна.

—Қизим, шу ўғлимнинг учун йўқ дардга йўлиққанига бир йилча бўлди. Қаратишдан армон қолмади. Аммо...

—Кимларга қаратдингиз?

—Муллага ҳам, табибга ҳам. Кўрмиз-да қизим, ҳалиям эскиликка ишонамиз.

Ҳакимахон унга «эскилик эскилик деб балога йўлиқасизлар-да, демокчи бўлди-ю, отага раҳми келиб, лекин ютиниб қўя қолди.

—Болани беҳудага уринтириб қўйганга дея Ҳакима Миршариповна рефлекторини пешонасига тушириб-да, беморнинг бурун ва томоқ йўлларига кўз югуртирди.

—Қандай бўлсаям, қизим, ўғлимнинг жонига оро киринг гизлар. Шу умид билан Қашқадарёдай жойдан келдик, — ўтинди сўради ота.

—Хафа бўлманг, ўғлингизни дарддан фориғ этиш иложини қидирамиз, — отага далда берди Ҳакимахон.

Шу-шу врачлар Тўхтамуроднинг дардига даво топишга киришишди. Аммо бу осонликча бўлмади. У чиндан ҳам учи йўқ дардга йўлиққанди. Беморнинг бурун юз бўшлиқларини этсимон шиш қоплаб олганди. Докторлар ҳам, ҳа деганда бу этнинг қаердан ўсиб чиққанини билишолмади. Беморни қайта-қайта текширишга тўғри келди. Бурун бўшлиғидаги этдан бир-икки марта кесимта олиниб, лабораторияга текширишди, бу этнинг ёмон томонидан «дераза» очиб кўришди. Ниҳоят беморнинг фиброма, (тўқималар орасидаги шиш) деган қалтис дардга чалинганини аниқлашди. Тағин бу этнинг ёмон жойдан, бош мия чаноғидан ўзак отганди. Беморни бу дарддан фақат узоқ операция йўли билан халос этиш мумкин эди. Лекин операция муваффақиятли чиқадими, бола оғир операцияни кўтара оладими? Докторлар энди шу хусусда бош қотира бошладилар.

Тўхтамуроднинг тақдирига касалхона бўлимидаги шифокорларнинг ҳаммаси —катта-ю кичиги аралашди. Бу ишнинг бошида тажрибали доктор, ажойиб шифокор доцент Оқил Ғаниев, касалхона бўлим мудири Ҳакима Миршариповна Мирабдуллаева турди. Етмиш яшар Қурбон отанинг «Елғиз ўғлимнинг жонига оро киринглар», деб боладек мўлтирашлари бу икки шифокорнинг кўз олдидан сира нари кетмасди. Улар шу нуроний чолнинг, ҳали ўн ғулидан бир гули очилмаган ёш ниҳолнинг бахти дея, оғир операцияга бел боғлашди.

Бемор роса 72 кун операцияга тайёрланди. Бу даврда унга неча марталаб қон, глюкоза, физиологик эритма ва яна бошқа хил юракка қувват берадиган дори-дармонлар берилди. Овқатлантиришга алоҳида эътибор билан қаралди. Беморнинг рангига бор-йўғи ўхшайсизлар,— ҳам ўхшаб қолди. Аммо олдинда уни ўлчм ва ҳаёт жанги кутарди. Докторлар уни шунга тайёрлашарди.

Узоқ ва ташвишланиб кутилган кун ҳам етиб келди. Бемор операция қилинадиган бўлди. Докторлар операция олдидан обдон маслаҳатлашиб олишди.

—Бу кунга вақтларингизни кўпроқ ажратсаларингиз, — бўлим мудири Ҳ. М. Мирабдуллаева докторларга бирма-бир мўрожаат қилди. Маълумки, Тўхтамурод Қурбоновнинг дарди жиддий. Шунинг учун унинг операциясини одат даги операция кунларидан бошқа кунга кўчирсак дейман. Тағин шошиб қолиб...

Операцияга тегишли давола муассасаларидан мутахассислар таклиф қилинди. Республика қон қуйиш илмий-текшириш институтидан ассистент Анвар Қаюмов, шаҳардаги 15-касалхонадан наркотизатор доцент Умида Шомирзаева ва бошқалар келишди.

Шанба. Эрталаб соат 11. Бемор операция столига ётқизилди. Бутун масъулиятни доцент Оқил Ғаниев ва унинг шогирдлари Ғайрат Иброҳимов, Ирина Ильинична Мартиненко ўз зиммаларига олишди. Ҳар хил жарроҳлик асбоблари эпчил ва енгил қўлларда ҳаракат қила бошлади. Шунда ўлим билан ҳаёт ювма-юз келди. Ҳамширалар Маҳфуза Мирпўлатова, Дилбар Толипова, Назира Тўлағанова, Мастура Йўлдошевалар кўли-кўлига тегмай, ўз устозларига кўмаклашиб турди. Ҳамма иш тил билан эмас, дил билан бажарилади. Имо-ишора билан иш кўриларди. Дастлаб, наркоз ва кислород юборибгина туриш учун беморнинг томоғи тешилиб, унга трахеотомик металл найча ўрнатилди. Кейин мияга қон қуйилиши хавфининг олдини олиш учун уйқу томири ва унинг тармоқлари боғлаб чиқилди. Ва ниҳоят, махсус сирт моқ воситасида бош мия чаноғидан ўсиб чиққан ва бурун юз бўшлиқларига тармоқланиб кетган эт жуда ҳушёрлик билан ажратиб олина бошланди.

Орадан бир соат ўтди. Икки соат ўтди. Аммо, операция ҳамон давом этарди. Ҳалиги сиртмоқ етти марта ишга солиниб, бир килограммча эт узиб олинди. Этлар ўрни тампонлар билан тўлдирилди. Роса уч соат деганда, операция тугади.

Ота эса операция хонасининг рўпарасида ўтириб, тоқатсизлик билан кутарди.

Ичкаридан оқ халати жиққа ҳўл бўлиб, Оқил ака Ғаниев чиқди.

—Узингизни тутинг, —отага тасалли берди у. — Насиб этса ўғлингиз тузалиб кетади.

Узоқ муддатли наркоздан кейин беморни қанча вақтда ҳушига келтириш ҳақида бир оз мунозара ҳам бўлди. Наркотизаторлар узоқ муддатли наркоздан сўнг, беморни тезроқ ҳушга келтириш керак деган фикрда бўлишди. Отоларингологлар эса узоқ муддатли наркоздан кейин бемор тўрт-беш соат давомида астасекин ҳушига қайтарилиши лозим, акс ҳолда мияга қўқ қисдан зарба берилиши ва бу кўнгилсиз оқибатга олиб келиши мумкин, деб ҳисоблашди.

Дарвоқе, ҳақиқат курашда, мунозарада аниқланади. Бугал ҳам шундай бўлди. Наркотизаторлар беморни тез ҳушга келтиришни уқтиришди. Оқибатда фожиа юз беришига сал қолди. Тўхтамуродда клиник ўлим содир бўлди. Кечгача бемор бошида бош-қош бўлиб турган шифокорлар Ғайрат Иброҳимов ва Хайрулла Абдуллаевнинг чақонлик билан ўз вақтида кўрган чораси туфайли ёш боланинг ҳаёти шу куни иккинчи марта сақлаб қолинди.

Қўлинг дард кўрмагур шифокорлар операциянинг самараси ундан кейинги қаровга боғлиқ, деган қоидага қатъий амал қилиб, беморни яна эллик тўрт кун ардоқлашди. Бир юз йигирма икки кун деганда 18 яшар Тўхтамурод— Қурбон отанинг ёлғизи пойтахт шифокорлари қўлида оғир дарддан халос этилди.

Тўхтамурод ўзини ҳаётга иккинчи марта қайтарган шаҳарга, унинг мўъжизакор шифокорларига бир умр меҳр қўйиб қолди. Ҳозир у Тошкент тўқимачилик комбинатида оддий ишчи бўлиб ишлаяпти.

—Тошкентга келиб ҳам бахтим, ҳам кўзим очилди, — дейди Қурбон ота Тоғаев.

Ҳа, отанинг айтганича бор. У, ҳам эскилик касалидан қутилди, ҳам «куф-суф»ларга ишонмайдиган бўлди. Ўғли Тўхтамурод эса иккинчи ҳаётни берган она шаҳримизда меҳнат қиляпти. У мўъжизакор шифокорлар шаҳрида нафас оляпти.

Ш. СИДДИҚОВ.

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ. Бу ерда Ливан президенти Шарл Хелу танглиги бартараф қилиш мақсадида собиқ бош министр Рашид Карами ва Бирлашган Араб Республикаси элчиси Иброҳим Сабрий билан маслаҳатлашиш давом эттирмоқда.

ҚОҲИРА. Бу ерда Ливан ва Бирлашган Араб Республикаси вакиллари ўртасида Ливандаги танглиги бартараф қилиш тўғрисида музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда Ливан томонидан Ливан армиясининг Қоҳирага келган қўмондони генерал Эмиль Бўстоний, Миср томонидан, Бирлашган Араб Республикасининг ташқи ишлар министри Махмуд Риод, ҳарбий министр Муҳаммад Фавзий ва президент Носирнинг шахсий вакили Ҳасан Сабри Ал-ҳоли қатнашдилар.

МЕН агентлигининг хабарида айтилишича, музокаралар натижасида Фаластинликлар «миллий озодлик» ташкилоти ижроия комитетининг вакиллари билан алоқа боғлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қоҳира газеталари Бирлашган Араб Республикасининг пойтахтида ўтказилган музокараларга катта эътибор бермоқдалар. Ливандаги танглиқни бартараф қилиш масаласида муайян силжиш борлигини қайд қилмоқдалар.

(ТАСС).



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ.
Шварцдаги Вильгелм Пик номли сунъий толалар заводи йирик замонавий саноат корхоналаридан ҳисобланади.
СУРАТДА: шу корхонанинг сунъий тола тўқиш участкаси.

ВДРда ХАЛҚ МАОРИФИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Бу йилги ўқув йилида Вьетнам Демократик Республикасида 35 та институт ва 196 та техникум ишлаб турибди.

Халқ Вьетнамидаги олий ўқув юртларида ва техникумларда ўқиб турган студентлар урушдан олдинги 1964 йилдагига нисбатан уч баравар кўпайди, улар тайёрлаб бераётган мутахассислар эса икки баравар ортди. Бундан ташқари ҳар йил минг-минглаб вьетнамлик йигит ва қизлар қардош социалистик мамлакатларга бориб олий маълумот олмоқдалар.

БОМБА ПОРТЛАДИ

ҚОҲИРА, (ТАСС). АҚШнинг Байрутдаги элчихонаси биноси олдида номаълум икки киши ташлаб кетган бомба портлади. МЕН агентлиги мухбирининг шу тўғридаги хабарида айтиладики, мазкур номаълум кишилар элчихонани қўриқлаб турган хавфсизлик кучлари постини машинада ёриб ўтишга уринадилар. Полициячилар ўт очиши билан номаълум кишилар бомбани ташлаб ғойиб бўлишди. Бомбанинг портлашидан ҳеч ким шикастланмагани йўқ.

ОКТЯБРНИНГ СЎНМАС ҒОЯЛАРИ

БРАТИСЛАВА, (ТАСС). Словакия коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи — «Правда» газетаси Улуғ Октябрнинг 52 йиллиги ҳамда дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Чехословакия шартномаси имзоланган кунининг 26 йиллиги байрамига тайёргарликка бағишлаб «Икки шонли сана» сарлавҳали редакцион мақола босиб чиқарди. Октябрь революцияси, деб таъкидланади мақолада, бизнинг асримизни инсоният тарихидаги энг революцион даврга айлантирди, социалистик революцион ўзгаришларнинг кенг кўламдаги жаҳоншумул жараёни бошланишига туртки берди.

Яна газета қуйидагиларни ёзади: бизнинг партиямиз дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисидаги Чехословакия—Совет шартномаси имзоланган кунининг 26 йиллигини байрам қилишга ҳам катта аҳамият беради. Совет Иттифоқи бизни озод қилганлиги учун ва Чехословакияда социализм қуриш ишида ҳар томонлама ёрдам берганлиги учун халқларимиз ундан абадий миннатдордирлар.

Октябрь сонида

«Шарқ юлдузи»

«Шарқ юлдузи» журналининг 10-сони босмадан чиқди. Журнал Ўзбекистон халқ шоири Уйғунниng «Ушалган орзу» номли шеъри билан очилади.

Мирмуҳсин қаламига мансуб «Умид» романининг охири, Д. Файзий, Ж. Жабборов, А. Пўлатнинг янги шеърлари, жумладан, ҳашар қиссанинг Юсуф Шомансур томонидан ўнинчи ҳангомаси, машҳур итальян драматурги Карло Гоццининг «Бахтиёр гадолар» пьесаси журнал саҳифасидан ўрин олган.

Бундан ташқари санъатга, ёзувчилик маҳоратига оид, шунингдек ҳар галгидай «Гулқайчи», «Кулардан бир кун...» каби рубрикалар остида турли қизиқарли материаллар ўқийсиз.

УШАЛГАН ОРЗУ

УЙҒУН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Агар кишиликнинг бахтин ўйласам,
Октябрь келади дарҳол ёдимга.
Ҳа, Улуғ Октябрь қудрат бахш этди
Бахт сари қўйилган ҳар бир одимга.
Эрк учун ташланган ҳар бир қадамда
Шонли Октябрнинг туганмас кучи
Октябрь тонгидан бошланган йўлнинг
Мангуликка бориб туташар учи...
Ўтмишда боболар орзу қиларди
Зулмдан қутилган эркин дунёни.
Шу орзу йўлида қанча наслнинг
Жангу жадалларда тўкилди қони.
Ўтмишда саноқсиз жафокаш инсон
Йиғлаб туғилдию оҳ уриб ўлди.
Зулмат ичида мудраган дунё
Етим-есирларнинг додига тўлди.

Ўтмишда мазлумлар орзу қиларди:
— Биз ғариблар учун қачон тонг отар?
Қачон чек қўйилар жабру жафога?
Қачонгача инсон топталиб ётар?
Ахир, қачонгача зулукдай сўриб,
Молдек ишлатади бизни бировлар?
Занг босган кишанлар қачон узилар?
Қачон емирилар нураган ғовлар?
Хўрликлар остида инграган инсон
Гангиган бошини ҳар тошга урди.
Йўқ ердан дардига даво ахтариб,
Зулмат тўқайида адашиб юрди.
Нажот берармн, деб қўлини чўзди
Йўлида нимаики ташланса кўзга.
Нажот излаб шўрлик топинди ҳатто —
Дарёга, илонга, ўтга, ҳўкизга!

Аммо, орзусига ета олмади,
Худолар алдади, алданди инсон!
Қалбида ғазаби, кўзида ёши
Тарих йўлларида соврилди сарсон!
Қуриган ўтиндай сонсиз одамни
Уруш оловига ташлади хонлар.
Ҳар парча тупроқда, ҳар қарич ерда
Хок бўлиб ётибди минглаб қурбонлар.
Ўтмишда туғилиб бутун умрида
Бирдам роҳат кўрмай ўтганлар сонсиз.
Ўзгаларга жаннат яратиб бериб,
Ўзлари яшаган яланғоч, нонсиз
Жабру ситамларга тоқат қилолмай,
Йиғлайверіб кўзлар бўларди хира.
Ўтмишда инсонлар тортган азобни
Улчаш учун ўлчов топилмас сира!
Ўтмиш садосига қулоқ солсангиз
Шеърида фарёду созида наво.
Қаллоб пайғамбарлар, ёлғон худолар
Беролмади халқнинг дардига даво!..
Ниҳоят минг йиллик зулматни қувлаб
Тонг отди, — адолат, саодат тонги!
Инсонларни бахтли ҳаётга чорлаб
Оламни янгратди Октябрь бонги!
Россия жаҳонга Ленинни берди, —
Инсонлар бахтига туғилди доҳи!
Октябрь туфайли жафокаш халқнинг
Тўхтади кўз ёши, туғади оҳи!
Шарқни ҳам уйғотди асрий уйқудан
Шонли «Аврора»нинг янгроқ садоси
Ҳаққи-ҳуқуқини, қадрини топиб,
Қад кўтарди Шарқнинг сонсиз гадоси!
Менинг боболарим, — собиқ қулларнинг
Минг йиллик орзуси амалга ошди,
Улуғ партиянинг меҳрига қонган
Кўнгиллардан севинч жўш уриб тошди.

Занг босган кишанлар чилпарча бўлди,
Шоҳлар ағдарилди қонли тахтидан,
Золимлар қуларди жаҳаннам сари,
Меҳнаткаш қувонди мангу бахтидан
Октябрь туфайли барча азобга,
Хўрликка, зўрликка берилди барҳам.
Эркин нафас олди меҳнаткаш инсон
Ниҳоят топилди дардига малҳам!
Минг қатла олқишлар Улуғ Ленинни
Эркин яшамоққа ҳуқуқи борлар.
Меҳнаткаш инсонлар, мангу бахтлисиз,
Жаҳонда Октябрь қуёши порлар!
Энди қудратли зўр инсониятнинг,
Қўл чўзса ойга ҳам етади қўли.
Октябрь тонгидан олам чароғон,
Мангу мунаввардир кишилик йўли!

Жуманиёз ЖАББОРОВ

● *Ҳинд илҳомлари*

ТОЖ МАҲАЛ

Бу санъат олдида бош эг, эй ақл,
Бу мармар достонни ўқигил, эй кўз,
Бу бир афсонаким: поёнсиз нақл,
Унинг тавсифига топгайсан сўз
Чинниндай жарангламас кетар қўл урсанг,
Сут билан чайилган садафдай қаср,
О, буни тўлин ой нурида кўрсанг,
Тинглайсан беқиёс мусиқа ва сир.
Дейдилар, севгидан олганмиз чирой,
Севгидан бу бино топибди сайқал.
Кундуз — қуёш мафтун, кечалари —ой,
Ярқираб туради улуғ Тож Маҳал.
Вафот этар чоғи гўзал малика —
Мумтоз Маҳал номли суюкли хоним
Васият қилибди шоҳга — эрига:
—Бир мақбара қурсанг, тенгсизди жоним.
Подшоҳ қурдирибди: йигирма минг қул
Йигирма йил ишлаб, бербди пардоз.
Тошдан бунёд бўлган бу марваридгул
Чексиз асрларга этгудай парвоз.
Қуллар қурибдилар: йигирма минг дил,
Йигирма минг севги сингмиш тошга.
Ҳар бири ишқини этгандир кафил,
Ганчни қорштириб кўзлар ёшига.
Агарчи севгида шунча қудрат жам,
Шунчалар теранлик, шунчалик довруғ,
Муҳаббат қошида тиз чўк, эй одам,
Мангулигинг сири севгига боғлиқ.

БОБИР

Нафис шоир қалбида жаҳонгир азми,
Гоҳо қилич сермаб, гоҳ тутиб қалам,
Шунча Мовароуннаҳр унга етмасми,
Қуюндай ёпирилди ҳинд мулкига ҳам.
Тулпори наълидан чақмоқ чақнатиб
Ҳиндқуш бағрилаб ошаркан довон,
Қўшинни бошларди ҳолсиз, чанқатиб,
Ғарқ қилмоқ бўларди йўлларда тўфон.
Не уни чорларди бегона элда,
Кўзини ёндирган гавҳарми, олтин!!
Нозик ҳиссиётлар жўшса-да, дилда,
Тикка ўрлатарди аргумоқ отин.
Тақдирнинг тизгинсиз ўйинидир бу,
Ҳамжиҳат келибди қўшиқ ва қўшин.
Қонига Темурланг солса-да ғулу,
Ғазаллар банд этар шоирнинг ҳушин.
Ўйлар бу оламнинг кори ҳолини,
Ёлғиз ўртаноди илҳом билан маст.
Гоҳо чархдан нолиб, қарғар толени,
Гоҳ беклар даврасин кўмсайди пайваст.
Андижон боғлари келар ёдига,
Сирнинг томчиларин кўнгли соғинар.
Тож, амрин ўтказиб ундар олдинга,
Шеър, алам шуъласи бўлиб ёғилар.
Май ва най базмида қаламу қадаҳ
Нозик ўйларга этаркан фармон,
Бари ваъда этар қувончу фараҳ,
Бари тарки ватан қилгани — армон.
Уни кутар эди туманли уфқ,
Сеҳр пардасига чулганган тараф,
Билмасди, қадами келгайми қутлуғ,
Қаршн олгайминн лаънат ё шараф!
Бегона диёрга кирди яшиндай,
Ҳирсу қирон билан водийлар ошиб,
Ганг тугён қилардн ҳинду ёшидай,
Фотиҳ йўлларида қаварнб, тошиб,
Уммонга ташланган бир ариқча сув
Сингиб кетганидай буюк тўлқинга,
Бу юртнинг ўз эли бўлиб кетди у,
Томир-томир билан чирмашиб унга,
Босқин-босқинликдир! Йўқ бўлакча от,
Зобитлик қовушмас мактов-таърифга.
Ўзбек тупроғида туғилган бир зот
«Улуғ мўғул» бўлиб кирди тарихга.
Ундан шеър қолди, иморат қолди,
Сўнди салтанатдар, қолди зўр шоир.
Фотиҳ сифатида мангу йўқолди,
Шоир сифатида яшайди Бобир.

ҲОЗИРЖАВОБ РАССОМ

Графика санъатининг турли жанридаги — линогравюра, гравюра, акварель, туш, игна ва қаламда чизилган асарлари билан воқелигимизга ҳамоҳанг бўлиб келаётган рассомларимиздан бири Анатолий Циглинцевдир.

Рассом ижодига хос томонлардан бири шундаки, у адабий асарларга расмлар ишлашда айрим характерли воқеаларни асос қилиб олади. Безаклари китобдаги воқеаларнинг яна ҳам ойдинлашишига ёрдам беради. Ойбекнинг «Навоий» романига чизган расмлари фикримизнинг шоҳиди бўла олади.

Ёш санъаткор ишни дастлаб Ҳамзанинг портретини яратишдан бошлади. Шунингдек, жовонларимиздан жой олган бир қатор бадиий асарларга — Смирнова - Ракитинан и н г «Ибн Сино». Ҳамид Ғуломнинг «Машъал», «Сенга интиламан», «Тошкентликлар» романларига, Миркарим Осимнинг «Аждодларимиз қиссаси», китобига ва шеърий тўпламларга ишлаган безаклари ўқувчиларга манзур бўлди.

А. Циглинцев Ўзбекистонда Улуғ Октябрь ғалабаси ва ундан кейинги йилларда олиб борилган улуғвор ишларни ифода этувчи туркум расмлар чизишга узоқ тайёргарлик кўрди.

Мазкур туркумга «Искра», «Уйғониш», «Ҳужум», «Саводсизликни тугатиш», «Қайтиш», «Сиз етим эмассиз» ва «Бахтли оила» тематик расмлари киритилган.

Ҳозирги кунда ҳар бир ижод аҳли улуғ доҳий В. И. Ленин таваллудининг бир асрлик тўйига манзур бўла оладиган асарлар тухфа этиш ҳиммати билан банд. Ҳозиржавоб журналист-рассом А. Циглинцев ҳам дала-кир ошиб, меҳнат жабҳаси қайнаган жойларда бўлиб, доҳий ишаган ва бўлган жойларни зиёрат қилиб, юбилей кўргазмасига арзигулик гулдасталар ҳозирлаяпти.

Ҳ. КАРИМОВ.



Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романига ишланган сурат. 1966 йил.



Навоийнинг болалиги. 1969 йил.

Гулқайчи материалларидан

ТАНҚИДЧИГА

ҲАЗИЛ

Машҳур танқидчига
туғруқхонадан
Қўғирчоқ қилишди, типик
хушхабар:
Ўғилча дунёга келмиш
онадан,
Хабар ҳам, ўғил ҳам типик
нақадар.
Ҳаво ҳам мусаффо эди ўша
кун,
Қувонч ва табиат мослигин
қаранг.
Машҳур танқидчимиз
югурди мамнун,
Ўпкаси ижобий тортилди
таранг.
Қўлига тутишди жажжи
чақалоқ,
Танқидчи у ёғу бу ёғин
кўрди.
«Онаси, асарнинг ҳозирча
хомроқ,
Лекин оригинал!» деб баҳо
берди.

Султонмурод ҲОЖИБОЕВ.

Бачки сатрлар

Маҳмудахон бўш қопдай Карима ёнига агдарилди.

* * *

Бу қарашга тоб беролмаган Турсуналининг яғни ёқаси ичига кириб, ҳудди совуқ еган қушдай ҳурпайиб қолди.

Турсунали қалбининг эшиги ланг очилиб кетди.

* * *

У Гуландомни шундай севар эдики, ўзи тугул далада сигирини кўриб қолса ҳам юраги орзиқиб тушар ва сўнг шу гўзал сигирдан ҳам бенихтиёр бўсалар олгиси келарди.

* * *

Учинчи курс талабаси Неъматулла чинакам ақлли, тирноғигача ақл деганимизча бор, чунки унинг оёқ тирноқлари атрофида ўсган жунлар ҳам худди бошдаги сочнинг баъзи бир толаларини эслатади.

* * *

«Бачки сатрлар» нима? Бачкана сатиралари, нима учун уларни журналда чоп этишаркан, ажабо.

* * *

У қизнинг юлдуздай кўзи, қуёшдай юзи, памилдоридай лаби, кўмирдай қоши, бигиздай бармоғи ва пошнаси, бақлажондай кўксида картошканинг чўтиридай сўгал бор эдики, булар бирлашиб юрадиган ва юрмайдиган йигитларнинг ҳаммасини бирдай мафтун этарди.

● *Жаҳон классик адабиётидан*

Машҳур итальян драматурги Карло Гоцци ижоди жаҳон адабиётида ўзига хос ўрин тутади. «Унинг театр учун эртаклар» (итальянча-фьяблар) туркумидаги пьесалари деярли икки юз йилдан бери дунё саҳналарида ўйналиб келмоқда.

Гоццининг «Бахтиёр гадолар» асарида воқеа қадим Самарқандда бўлиб ўтади. Пьесанинг асосий қаҳрамонлари аждодларимиз — ўзбеклар.

Қуйида Самарқандининг икки ярим минг йиллик тўйига совғалардан бири сифатида журналда чоп этилган мазкур пьесадан парча ўқийсиз.

Карло ГОЦЦИ.

БАХТИЁР ГАДОЛАР

(иккинчи мажлис)

Ўзбек билан имом.

ИМОМ

Ким бу? Ҳўш, не дейсан?
Жуда барвақт келибсан, гадо? Ахир садақа
Пешингача берилмайди бизнинг даргоҳда.
Шуни билмас эдингми? Ажаб. Бор, кечроқ
кел.

ЎЗБЕК

(Юзидан ниқобни олиб)
Подшоҳингни танимадингми?

ИМОМ

(Ҳайратда).
Ўзбек! Султоним!
Ажабо, сиз шу кийимда, шу алпозда-я...
Йўлингизни роса тўрт йил пойлаб
термулган.
Тахт тузатган пойтахтингиз Самарқандда-я?
Гадоларнинг жулдур-жулдур либосини
кийиб
Наҳот масжид олдида сиз турибсиз, ҳазрат?
Таниб бўлмас қиёфада...

ЎЗБЕК

Биродар, жим бўл!
Тўрт йилдирки, мени отам валиад қилиб
Ўз ўрнига қолдирганди.
Сенга аёнки,
Ғоят заиф одам эди фаросатда у,
Ҳақиқатни кўролмасди давлат ишида:
Подшоҳ четда қолиб бир тўп нодон
нозирлар
Ҳукмронлик қилишарди, ўз билгича
Қадамини босолмасди баёв падарим.
Шундай қилиб, нопок, ёмон одамларни у
Бойитди-ю, ҳалолларга зулм ўтказди.
Оқибатда ўзин элга қилди шарманда.

ИМОМ

Афсус, булар жуда тўғри, Мен ҳам
ихлосманд
Хизматкори эдим, аммо, охир хор бўлдим.
Мана энди қабиҳликлар жонимга тегиб,
Ибодатда ўтказяпман қолган умримни.
Оҳиратим худо ўзи обод қилса бас,
Лекин, сендан илтимосим: яширмай айтгин,
Нима учун тарк айладинг подшоҳликни?
Нима учун ўзгартириб, жулдур кийимда,
Бемаҳалда бу масжидга кириб келдинг сен?
Ахир, бола чоғларингдан, гўдаклигингдан
Сени жуда севар эдим, шу меҳрим ҳақи
Ўтинаман, ҳеч нарсани яширма...

ЎЗБЕК

Имом
Сирни билиб, уни пинҳон, сақлагувчилар
Жуда ҳам оз. Аммо сенга бор ҳақиқатни
Очмоқликка қарор қилдим. Ангоримдаги
Ўзгаришга ҳайрон бўлма! Ҳар дақиқада
Янги-янги қиёфага кирмоғим мумкин.
Ниқобимнинг ўзига хос хислатлари бор,
Ясама деб бирор кимса шубҳа қилмайди.
Мана, тўрт йил ғойиб бўлдим. Бу вақт
ичида
Тожу тахтни бошқармоқни отамнинг ўша
Нозирларин қўлларига топшириб кетдим.
Аслида-чи, бу кетишим эди бир ҳийла.
Ўзим эса, Самарқандда яширинча яшаб
Хатларимни Ҳинд, Эрону, бошқа юртлардан
Йўллаб турдим. Аммо сўнгги бир йил ичида
Бу ишларга барҳам бердим. Оддий
савдогар
Бўлиб олдим, қаҳвахона очиб кун кўрдим.
Йигирма хил қиёфада юриб эл ичра
Дўст орттирдим, улар билан иноқлашиб
мен.
Тахтда туриб билиш маҳол бўлган ишларни:
Яъни сарой ичидаги фисқу фужурлару
Халқ аҳволини ўргандим мен синчковлик
билан.
Ҳа, албатта, зиёфату тантаналарда
Бахтсиз, қашшоқ фуқаронинг ҳолини
билмоқ
Амри маҳол. Чунки, бизнинг атрофимизни
Қуршаб олган учар, очқўз, хасис нозирлар:
Нафс дардига таъзим қилиб, макр ишлатиб
Ҳаммамизнинг кўзимизни кўр қилган улар.
Булар учун шоҳлик фақат давлат
орттирмоқ,
Қасос олмоқ, ўз ҳирсларин қондирмоқликка
Аҳмақона қурол экан! Барчасин билдим!
Эртагаёқ эрта билан тахтимга яна
Мен қайтаман. Қандай оғир бу эркинликдан
Маҳрум бўлмоқ! Ахир қандай роҳат
қилгандим
Ўз ҳолимча, эл оралаб юрган йилларим.

ИМОМ

Ҳайрон қилиб қўйди мени сўзларинг,
Ўзбек!
Лекин, рости, ҳали бола эканингдаёқ
Ўзгача бир ақлинг, ўта мардлигинг билан
Мени қойил қолдирардинг...

ЎЗБЕК

О, бу бошимдан
Қанча-қанча саргузаштлар, хавф-хатар
кечди.
Аммо бунинг ўз даҳшати ва ўз завқи бор.
Мана, гадо бўлиб олдим сўнгги ҳафтада:
Ҳа, буни ҳам кўрмоқ бўлдим! Шу увадада
Ошиқ бўлиб қолдим, имом, шундай
севдим-ки,
Бор вужудим ўртанмоқда!

ИМОМ

Шу аҳволда-я?
Беҳазилми? Ундай бўлса севгилинг ҳам
Жулдур кийган гадодир-да!

ЎЗБЕК

Тўхта, қулоқ сол.
Севгилим у —Самарқанднинг энг гўзал
қизи.
Камолату фазилатнинг яққол тимсоли.
Қайғу, очлик, қашшоқликнинг чангалида
ҳам
Нилуфардек кўринади нафис, беғубор.
Шаҳар бўйлаб донғи кетган. Худди
фаришта.
Аммо, мени унга сира тенглаб бўлмайди...
Шундай жулдур кийимимда, хайр сўраб
туриб
Тасодифан уч-тўрт марта кўзим тушдию
Девонадай мафтун бўлиб қолдим ҳуснига.
Шу бугунок севиклигим ўша гўзални
Никоҳимга олиб бахтли қилиш — ниятим.
Мана ҳозир улуғ вазир, жаноб Музаффар
Балки пешин намозига қилурлар ташриф.
У келмасдан битта сирни айтиб қўяйин:
Бу вазирнинг бутун қилмиш, кирдикорию,
Ёзувлигин синаб кўриб, барчасин билдим.
У бўлса-чи, шу чоққача мени муттаҳам,
Бахти қаро битта гадо, ўғри ҳисоблаб,
Не кунларни солмоқ бўлди бошимга, тавба..
Бу тубаннинг ҳамма сирин билмагунимча,
Фойдаси йўқ сенга ортиқ сўзлашимнинг ҳам.
Ҳа, бугун кўнглим ёзиб бир яйраб олай,
Хўш бугунги садақани масжид олдида
Тўда-тўда гадоларга ким улашади?
Сен ўзингми?

ИМОМ

Шундай, шоҳим, ҳали вақт эрта.
Улар фақат туш пайтида йиғилишади.
Кўринишга юртдан номус қиладиган ё
Чўчийдиган тасодифий гадо ҳам ҳатто
Ботинармн, элдан бурун пайдо бўлмоққа...

ЎЗБЕК

Менга бирор тақводорнинг либосини бер,
Улуғ вазир бугга етиб келгунга қадар
Ўзгартириб олай яна уст-бош, қиёфам,
Худди хайр улашувчи домла-имомдек
Гадоларни гапга солиб, подшоҳликда
Бўлаётган ноҳақлигу қинғир ишларнинг
Ҳаммасини билиб олгум имкон борича.

ИМОМ

Ҳаддан зиёд қалтис, султон, ҳийла-
тадбиринг,
Таажжубда қолдим тамом, борди-ю, агар...

ЎЗБЕК

Вақтни бекор ўтказмагин. Қандайдир гадо
Ана қара, масжид томон яқинлашмоқда.
Бўлди энди, холи қўйган мени бу ерда.

ИМОМ

Бажонидил...

(Ўзбек масжидга киради).

Бу бандангга, парвардигорим,
Базир сирин фош қилишда ўзинг паноҳ бўл.
Юртни тошдек эзиб ётган оғир кулфатдан,
Ҳукм сурган бузуқлигу фалокатлардан
Элни холи этишига ўзинг мадад бер.

(У ҳам масжидга киради).

ШУКРУЛЛО таржимаси.

КУНЛАРДАН БИР КУН...

✦ Таниқли физик олим Исаак Ньютон илмий хизматлари учун лорд унвонини олган. 26 йил давомида лордлар палатасининг мажлисларида иштирок этган экан. Олим ўз умри давомида палата мажлисида атиги бир марта ўрнидан туриб сўзлабди.

— Жаноблар, — дебди у йиғилганларга танбеҳ назар ташлаб, — агар сизлар, қаршилик қилмасаларингиз мен дераза ларни ёптириб қўйишни таклиф этмоқчи эдим. Ташқарида шамол бўляпти, шамолдан қолишдан қўрқаман.

✦ Машҳур немис шоири Фридрих Шиллер ёшлигида арфада чалишни ўрганган экан. Бир куни шоир арфа чалиб ўтирганида таништаридан бири унга:

— Сизнинг арфа чалишингиз шоҳ Давидни эслатди менга. Лекин сиз шоҳ Давидчалик яхши чалолмас экансиз, — дебди.

— Сиз,— дея жавоб берибди Шиллер ўша заҳоти,— санъатга баҳо беришда худди подшо Сулаймонга ўхшайсиз. Лекин Сулаймон санъаткорларга сиздан кўра холисроқ баҳо берган.

☆ Бир зиёфатда Чарльз Дарвиннинг рўпарасида ўтириб қолган чиройли аёл олимга ҳазил аралаш савол берибди.

— Жаноб Дарвин, сиз ўз асарларингизда, одам маймундан келиб чиққан, деган ғояни олға сурибсиз. Худди шу гапни менинг ҳақимда ҳам айта оласизми?

— Албатта,— дебди Дарвин.— Лекин сизнинг насбингиз оддий маймунларга эмас, гўзалроқ маймунларга бориб тақалади.

☆ XIX асрда ўтган немис канцлери Отто Бисмарк ўз касалини даволатиш учун таниқли врачлардан бирини ҳузурига чақиртирибди. Врач Бисмаркка юзма-юз бўлиши ҳамано унинг касаллигини бутун тафсилоти билан айта бошлабди. Бисмарк врачнинг билимдонлигига ҳайрон қолиб, беихтиёр сўрабди:

— Айтинг-чи, сиз ўз касбингизни шу даражада такомиллаштиргани-нгизгача қанча беморни нариги дунёга жўнатгансиз?

— Жаноб олийлари,— дебди врач,— менинг қўлимда жон берган беморлар сиз ўлдирган одамларга нисбатан жуда кам сонни ташкил этади.

☆ Америкада чиқадиган журналлардан бири ёзувчи ва артистларга «Агар одам оёғи етмаган оролга тушиб қолсангиз дастлаб қанақа китоб ўқишни хоҳлардингиз?» деган савол билан анкета тарқатди. Анкетага келган жавоблар ҳар хил эди. Бировлар Инжилни, бировлар Шекспирни, яна бировлар Свифтни ўқимоқчи эканлигини билдиришди. Честертон деган санъаткор эса, анкетага қуйидагича жавоб берди: «Биринчи навбатда мен даставвал қайиқ ясаш ҳақидаги қўлланма китобни танлаган бўлардим».

Оқшом суҳбатлари

РАНЖИТМАНГ, РАНЖИМАЙСИЗ

Соғлом киши эрта ваҳорда тиниқ сувдек равшан ва енгил бўлиб ўрнидан туради. Бола-чақалар билан сўрашиб, саломлашиб дили очилади. У остона хатлаб кўчага чиқар экан, кўзи манзараларга, одамларга тушади. Ободончилик саромжонлик унинг нурафшон этса, номатлуб ҳолат ёки масалан оёчлиб ётган ахлат табиатини хира қилади.

Қадимий замонлардан бошлаб халқимизнинг бир ажиб таомили бор. Эрта ваҳорда киши яхши ва пок кишилар билан учрашса ёки кўзи матлуб нарсаларга тушса, кун тинч ва хайрли, аксинча бўлса кун рангли ва ҳаттоки фалокатли ўтади, дейишади. Бу ҳикматда эрталабдан бошлаб асабни сақлай билиш ёки сақлай билмаслик маъноси бор, албатта.

Эрталабдан бошлаб таниш-билишлар билан самимий кўришилади. Лекин бирор бетамиз ёки кичкинтой салом бермаслиги ҳам бор. Кишининг руҳи буни дарров сезади, юрак «жиз» этади. Бунинг устига транспорт тайёр бўлса, хўп-хўп. Лекин аксарият вақтларда транспортни кутишга тўғри келади. Кишининг сабр-тоқати чидамай соатига қарай бошлайди. Одамлар тўпланади. Транспортга чиқиш амри маҳол бўлади.

Транспортда асаб бузувчи ҳолатлар хилма-хил. Одатда умумий осойишталикни бирор ситамгар, дилозор бузади. Бу ҳақда Носир Хисров яхши гап айтган.

Киртқич бўри гар
Ўлишга лойиқ,
Ситамгар ундан
ёмон, ҳалойиқ.

Кўпинча транспортга чиқилганда ёш яланг ўтирган бўлади, чунки у чаққонлик қилиб ҳаммадан илгари ўзини транспортга уради. У ўтиридими, бас, бўйни қийшайиб оғригунча тескари боқиб олади. Ожизлар ва кексалар тик туриб кетаверади. Ана энди ҳамманинг асаби бирдан қўзғалади, бетамизга «кексага жой бер» дейишга мажбур бўлишади.

Тушки овқат вақтида навбат кутиш, сифатсиз овқат, қўпол муомала, ҳайкал каби «бежон» пазанда ҳали киши асаби тагидан олов ёқади. Буни устига у ҳамкасбларидан ҳам озор чекса борми, асаб вайрон бўлди деяверинг. Ишдан кўнгли шикаста, чор-ночор қайтиб келади. Зийрак ва латофатли оила буни дарров пайқайди, чорасини кўради. Аксинча бўлса, ёмон кайфият оила аъзоларига тез юқади. Натижада ҳамманинг димоғи осилиб кетади, овқатнинг ҳам, уйқунинг ҳам мазаси бўлмайди.

Асабни нурафшон этувчи сеҳрли сўзлар бор. Чунончи, ўз жойида ишлатилган, «кечиринг», «марҳамат», «ўтиринг», «салом алайкум», «хайр», «раҳмат», «жоним билан» каби сўзлар асабни мойлайди, киши психикаси ялан чиқмайди.

Бир куни Александра Ивановна ишга ранжиб, ранги оқариб келди. Ҳамкасб ва одамохун йигитлардан бири унга боқиб:

— Какая Вы, сегодня, хорошенькая,— деди.

— Спасибо за хорошие слова, — деб жавоб берди у.

Шу пайт унинг бетига ранг югурди, кўзлари кулиб истараси «иссиқ» бўлиб кетди. У кун бўйи кўтаринки руҳ билан ишлади.

Қ. Маҳкамов катта вазифадаги киши билан бўлган суҳбатдан сўнг юрагида санчиқ сезди, ранги оқариб, кўкрагини ушлаб қолди.

Бундан хабар топган хизматчилар югуриб қолишди. Бири «Валидол» берди, бири сув келтирди, одамлар куйиб-пишиб тасалли беришди, «чуқур-чуқур нафас олишни» буюришди, «тез ёрдам» машинаси ҳам чақиришди. Бемор бир неча кунлардан сўнг ишга чиқди. Шунда у дўстларига:

— Сизлардек дўстларим бўлмаганда мен бу ерга қайта келмасдим,— деди.

Юрганда ҳам, турганда ҳам киши психикасини кўз қорачиғидек асраш керак. Саъдий Шерозий бундай деган:

Мазлум озорига
мойил бўлмагил.
Халқ дили дуридан
ғофил бўлмагил.

Гўдак сўзлашдан олдин кулишни ўрганган. Турмуш уринишлари учун отланиб чиққан киши меҳнатини ҳам табассумдан бошлаши керак.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

СЎЗ РАҲБАРЛАРГА

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛ

Мендан кўпинча, заводингизда спорт бунчалик оммалашишига қандай қилиб эришдингиз, деб сўрашади. Бу саволга айрим корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш планлари тўғрисидаги маълумотларни кўз юмиб айтиб беришганидек, мен ҳам ҳеч қийналмасдан жавоб беришим мумкин.

Бундан уч йил муқаддам корхонамиз физкультура коллективи ҳақида гап кетганда бунчалик дадиллик билан гапира олмасдик. Уз ишимизни қайта кўриб чиқиш зарур эди. Бу соҳада бизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1966 йил Октябрь қарорлари яқиндан ёрдам берди. Қарор матбуотда эълон қилинган куннинг эртасигаёқ спорт активларини тўплаб, бу аҳвол қачонгача давом этади, деган масалани ўртага қўйдим. Маслаҳат анча фойдали бўлди. Активлар заводда спорт билан шуғулланувчи ёшларнинг кўплиги, агар спорт секцияларини очиш тўғрисида бугунок эълон қилинса, эртагаёқ машғулотларни бошлайвериш мумкин лиги, аммо шуғулланиш учун базанинг йўқлиги тўғрисида гапиришдилар.

Нима қилиш кераклиги устида кўп бош қотирдик. Агар активларнинг талаблари асосида иш юритадиган бўлсак ягона футбол майдони ҳеч қандай талабга жавоб бермасди. Шу туфайли стадионни реконструкция қилишга қарор қилдик. Бунинг учун маблағ ажратиб қурилиш бригадаларини белгиладик. Комсомол-спортчилар ҳам қараб туришмади. Уларнинг кучи билан футбол майдонига чим ётқизилди, югуриш йўлкалари резина-битум қоришмаси билан қопланди. Тез орада сакраш, ирғитиш секторлари ҳам кўзга ташланди.

Ёзги шароитда шуғулланиш учун озмикўпми база ҳозирладик. Бироқ, тезда яна бир муаммо туғилди. Қиш шароитида қаерда шуғулланиш мумкин? Бунинг ҳам чораси топилди. Стадионга трибуна қуришга қарор қилдик. Чунки трибунанинг остки қисмида ўз-ўзидан пайдо бўлган хоналарда кураш, оғир атлетика, гимнастика билан шуғулланиш мумкин эди.

База пайдо бўлиши билан волейбол, футбол, баскетбол, шахмат, шашка, кураш тўгаракларини ўз фаолиятини бошлаб юборди. Дарҳол ўз билимини бошқалар билан баҳам кўрувчи жамоатчилар ҳам топилди. Кечагидек эсимда, ўша йили барча тўгаракларда 90 дан ортиқ оммавий разряд ли спортчилар тайёрланди.

Куни-кечагина бошланган спорт фаолиятимиз тўғрисида бугунги кунда ҳар канча фахр билан гапиришимиз мумкин. Чунки спорт заводда меҳнат унумдорлигининг ўсишида ва кадрлар қўнимсизлигига барҳам беришда катта ёрдам беряпти.


Дарҳақиқат, бизда спорт билан шуғулланмайдиган кишилар камдан-кам учрайди.

Эсингизда бўлса керак, ўтган йили Аргентинанинг Мор-дель Плата шаҳрида классик кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилганди. Бу беллашувларда катнашган ўзбекистонлик паҳлавон Рустам Казаков энг юқори унвонни олишга муяссар бўлганди. Бу Ўзбекистон спорти учун катта муваффақият бўлса, корхонамиз физкультура коллективи учун ички баробар ютуқ эди. Чунки Рустам бизнинг физ-культура коллективимизда тарбия топган. Ҳозирги пайтда устозлик қилаётган фахрий спорт мастери Р. Абдраев, спорт мастери Л. Чистяков, Р. Набиуллинларнинг спорт биографиялари ҳам корхона спорт биографияси билан боғлиқ.

Завод спортчилари ҳақида «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти марказий Совети жуда яхши фикрда. Бунинг асоси бор. Спортчиларимиз жамият биринчиликларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Яқинда Киров район ишлаб чиқариш коллективлари ўртасида бўлиб ўтган биринчиликда иштирок этиб, 9 корхона командасини орқада қолдирдик. Классик курашчиларимиз, велосипедчиларимиз эса «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти Марказий Совети биринчилигида иштирок этиб, чемпион унвонини қўлга киритдилар.

Ҳар бир спорт ташкилоти ишнинг кўзини билса, биринчи навбатда ўринбосарлар масаласини ҳал қилишга киришади. Коллективимиз ҳам бундан мустасно эмас. Корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар фарзандларининг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиб берганмиз. Ҳар куни улар махсус график асосида таниқли тренерлар илмидан баҳраманд бўладилар. Айрим ёшларимиз ҳозирданоқ завод шарафини республика, Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақият билан ҳимоя қилаётирлар. Кўриниб турибдики, ютуқларимиз анчагина. Аммо, унинг янада салмоқли бўлиши учун бор имкониятларимизни ишга солаверамиз.

В. БОЙЖОНОВ,
асбобсозлик заводи директори.



«Пахтакор» стадионида теннис бўйича мамлакат биринчилиги учрашувлари бўлиб ўтди.
СУРАТДА: Москва — Ўзбекистон теннисчилари мусобақада.

ДИҚҚАТ, КОНКУРС!

Шаҳар ижроия комитетининг физкультура ва спорт комитети ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакциялари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб, шашка конкурси эълон қилади.

Конкурсда 20 та вазифа бўлиб, ҳар бир вазифа учта позиция ва бир неча саволлардан иборат. Конкурс шартлари ва биринчи вазифа газеталарнинг 4 ноябрь сонида эълон қилинади.

Конкурсда алоҳида ёки коллектив ҳолда қатнашиш мумкин.

Конкурс қатнашчиларининг ғолибларидан ўн киши фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланади. Биринчи ўринни олган киши Ленинградга бепул ўн кунлик сафарга бориш ҳуқуқига эга бўлади.

Конкурсда қатнашинг!

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РАДИО

3 НОЯБРЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Октябрга меҳнат совғалари» деган эшиттириш (русча). **18.10** А. Ленский. «Бу сенинг баҳоринг» хор туркуми. **19.20** Ўзбек композиторларининг қўшиқлари. **20.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **21.00** Ҳалқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун эшиттириш ва концерт (русча). **22.40** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (Ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Республика композиторларининг хор асарлари. **19.30** Б. Терентьев қўшиқлари. **20.00** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (тожикча). **20.20** Мақомлардан парчалар. **21.00** «Ҳаётга муҳаббат» деган радиокомпозиция (Ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 В. Биков. «Альп балладаси» деган радиопостановка (русча).

4 НОЯБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Тинчлик ва дўстлик қўшиқлари. **9.30** Ёш ижрочилар концерти. **10.10** «Қадрдон куйлар». **10.30** Ўзбек Давлат филармониясп солистларининг концерти. **11.15** «В. И. Ленин — Октябрь доҳийси» деган суҳбат (Ўзбекча). **11.30** Кенса ижрочилар микрофон олдида. **13.30** Чолғу ва вокал ансамбларининг концерти. **15.15** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). **15.30** «Буюк сафар» деган радиокомпозицпя. (Ўзбекча). **16.10** Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг революцион қўшиқлари. **16.50** «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Пахтакорлар — зарбдор вахтада» (русча). **18.10** Халқ талантлари концерти. **18.40** Спорт эшиттириши (Ўзбекча). **19.20** С. Йўлдошев асарлари. **20.00** «Ишлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** Енгил куйлар. **21.00** Ҳалқаро мавзуларда суҳбат. (Ўзбекча). **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **22.20** Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар учун эшиттириш ва концерт (русча). **22.40** Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. М. Горький «Она» романидан инсценировка қилинган боб (Ўзбекча). **23.15** Ўзбек классик куйлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Симфоник вальслар. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Ғафур Ғулом ҳикоялари (Ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **21.00** Ойбек. «Темирчи Жўра» поэмаси асосида радиокомпозиция (Ўзбекча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Б. Лавренев. «Шамол» повести асосида радиопостановка (Ўзбекча). **15.30** Д. Кабалевский. «Тарас оиласи» операсидан саҳналар.

19.00 Е. Исаев. «Хотира ҳукми» поэмаси асосида радиокомпозиция (русча).

ТЕЛЕВИЗОР

3 НОЯБРЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ўқувчилар учун. «Она-Ватан» (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.30 Телевизион янгиликлар. **18.45** Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш.

Ўзбек тилида: 19.05 Телевизион театр. Е. Шукуров. «Севишганлар қиссаси». **20.45** Телевизион янгиликлар. **21.00** Оламда нима гап? **21.30** «Ўртоқ авлодлар». Телефильм (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.25 Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича СССР биринчилиги. «СПАРТАК» (Москва) — ЦСКА. Танаффус вақтида янгиликлар. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.00 Футбол. ВЛКСМ Марказий Комитети «Умид» мукофоти учун. Москва — Ўзбекистон командалари ўртасидаги ўйин олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Баҳор Сингапурда». Кинофильм. **19.45** Реклама.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** «Ҳаётнинг бойлиги» деган эшиттириш. **21.00** Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** «Вақт» информацион программаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТИШЛАРИ.

4 НОЯБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатувлар программаси. **13.00** Янгиликлар. **13.15** Беш йилликлар йўлларидан. **13.45** «Волга тонглари». Концерт. **14.45** «Ижод қувончи» деган эшиттириш. **15.15** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 Телевизион янгиликлар. **18.15** Тошкент байрам олдида. **18.35** «Биринчи ижрочилар». Кинофильм. **19.00** «Октябрь». Бадиий фильм. **20.40** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20.50 Телевизион янгиликлар. **21.05** Киноленинном. «Жаҳон узра қизил байроқ». **21.55** Пахтакорлар Октябрь олди вахтасида. **22.15** «Ўзбек қизи овози». Хотин-қизлар учун программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** «Ҳаётнинг бойлиги» деган эшиттириш. **21.00** Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** А. Крон. «Партия аъзолигига кандидат». Телевизион спектакль премьераси. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Тинчлик дегизи узра чайкалар парвози». Телефильм. **20.20** Балет кечаси.

Рус тилида: 21.00 «Ишчилар иши учун кураш байроги». Музикали телефильм. **21.25** «Ленин йўлланмаси билан». Бадиий фильм.

«УЗГЛАВРАЗНОСНАБСБИТ» РЕСПУБЛИКА БАЗАСИГА

бош бухгалтер, омбор мудирлари, бухгалтер-ревизор, машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе кўчаси, 27-уй. Телефон 33-09-20.



ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДА ДОИМО КЕНГ АССОРТИМЕНТДА САБЗАВОТЛАР, МЕВАЛАР, КАРТОШКА ВА БОҒДОРЧИЛИК МЕВАЛАРИ МАВЖУД.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР Т.О.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 4|XI да **Ҳамза**, 5|XI да **Оқуш қўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4|XI да **Парвона**, 5|XI да **Бўрон қуши** (кундуз соат 12 да), **Алжонларим** (кеч 7 яримда).

МУҚИМИЙ НОМЛИ МУЗИКАЛИ ТЕАТРДА — 3|XI да **Гавҳари шамчироғ**, 5|XI да **Гули сиёҳ**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Йўлбарс ва сиртлонлар аттракциони ҳамда совет циркининг 50 йиллигига бағишланган юбилей программалари.**

Кино

3 НОЯБРДА

Ҳалонат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8-45 минутда), «ЧАЙКА» (кеч 9 да).

Командирнинг қайтиши — НАВОИЙ номли (Ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Угрюм-река (3 ва 4-серияси) — «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Қонун номидан — «ЎЗБЕКИСТОН (кечқурун).

Қўлга тушмас қасоскорлар (кеч соат 6 ва 9 да), **Олтин бузоқча** (кеч 8 да) — «СПУТНИК».

Комедиантлар 1 ва 2-серия) — «МОСКВА» (кечқурун).

Эркак ва аёл — «ЧАЙКА» (кеч соат 7 да).

4 НОЯБРДА

Ҳалонат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2-15, 5-30 ва кеч 8-45 минутда), «ЧАЙКА» (кеч 9 да).

Командирнинг қайтиши —НАВОИЙ номли (Ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қўлга тушмас қасоскорлар (кеч соат 6 ва 9 да), **Олтин бузоқча** (кундуз 5 ва кеч 8 да) — «СПУТНИК».

Қонун номидан — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Доктор Абст таҳрибаси — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Комедиантлар (1 ва 2-серия) — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Угрюм-река (3 ва 4-серия) — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Эркак ва аёл — «ЧАЙКА» (кундуз соат 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

15 НОЯБРДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
1966 йилги
3%% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЁМИНИНГ
27-тираж УТКАЗИЛАДИ,
Тиражда заёмнинг йигирма олти разрядига умумий суммаси 13326560 сўмлик 40 сўмдан 5000 сўмгача бўлган 244400 ютуқ ўйналади.
ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1969 йил 18 ноябрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети тарих факультетининг илмий даражалар бериш бўйича илмий совет мажлисида (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, асосий корпус, ТошДУ, Г-304-аудитория) тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

В. И. Севрюк: «Ўзбекистон меҳнаткашларининг Ватан уруши йилларида эвакуация қилинган болалар тўғрисида умумхалқ ғамхўрлиги (1941—1945 йиллар)» деган темада;

Ж. Уббиниёзов: «Қорақалпоқ халқининг социал ва миллий-колониал зулмга қарши кураши (XIX аср охири. XX аср бошларида)» деган темада;

Диссертацилар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ҲОЗИРГИ КУНЛАРДА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖУДА КУП МИҚДОРДА КАРАМ, ЛАВЛАГИ, ҚУНҒИР ва ОҚИШ РАНГЛИ ПОМИДОРЛАР, САБЗИЛАР ва қиш вақтида сақлаш ҳамда тузлаш учун чекланмаган миқдорда бошқа САБЗАВОТЛАР билан савдо қилмоқда.

«Плодоовощторг» нинг қўйидаги магазинлари сабзавотларни уйларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

магазин № 2 — 4-тупар-жой шаҳарчаси, Лисунов, 2-квартал, 58-уй;

№ 6 — Високовольт кўчаси, 92/6;

№ 9 — Ш. Руставели кўчаси, 63;

№ 11 — Қатортол кўчаси, 10-квартал, 2-уй;

№ 16 — Рисовая кўчаси, 92;

№ 21 — Гагарин кўчаси, 7;

№ 25 — К. Маркс кўчаси, 26;

№ 26 — Усмон Юсупов кўчаси, 76;

№ 28 — Муқимий кўчаси, 15;

№ 29 — Новомосковская кўчаси, 33.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»
электрдан фойдаланганлик учун тегишли пулни Давлат банкининг кирим омонат кассаларига

ҲАР ОЙНИНГ 1-ЧИСЛОСИДАН 10-ЧИСЛОСИГАЧА
ТЎЛАШЛАРИНИ СЎРАЙДИ

Ўтган ойлар учун қарзлари бўлган абонентчилар дарҳол тўлашлари керак, акс ҳолда огоҳлантирилмасдан электр энергиялари узиб қўйилади.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»
ҲАММА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, сутканинг ёруғ вақтларида уй, ҳовли, магазин, корхоналарнинг ташқи электр чироқларини, шунингдек, корхона, ташкилот, билим юртлари ва магазинларда иш тугатганидан сўнг навбатчи чироқдан бошқа ҳаммаси

УЧИРИБ ҚЎЙИЛИШИ КЕРАК

Сутканинг ёруғ вақтида электр энергиясидан фойдаланиш, огоҳлантирилмасдан электр энергиясини узиб қўйиш билан жазоланади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 3 НОЯБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт—санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64579
НАШР 2893.
Р — 03498.